Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 27 декабрь 1973 йил, пайшанба ◆ № 303 (15.776). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ФАЗОКОРЛАРГА ШОН-ШАРАФЛАР!

«СОЮЗ-13» ПАРВОЗИ ТАМОМ БЎЛДИ

ТАСС АХБОРОТИ

«Союз-13» кемасидаги ишлар тамом бўлгандан кейин космонавтлар Петр Ильич Климук билан Валентин Витальевич Лебедев 1973 йил 26 декабрда ерга қайтиб тушдилар. Москва вақти билан соат 11 дан 50 минут ўтганда «Союз-13» космик кемасининг учирувчи аппарати Совет Иттифоқи территориясида Қарағанда шаҳридан 200 километр жануби-ғарбда сҳиста ерга қўнди.

Медицина текширищи натижасида космонавтлар ерга қўнгандан кейин уларнинг сиҳат-саломатлиги яхшилиги маълум бўлди.

Саккиз кеча-ю саккиз кундуз давом этган орбитал парвоз давомида турли-туман илмий-техникавий тадқиқотлар ва экспериментлар ўтказилди.

«Орион-2» телескоплари системаси ёрдамида турли юлдузлар туркумидаги юлдузларнинг спектограммалари ультра бинафша диапозонда қайд қилинди.

Парвоз вақтида халқ хўжалиги манфаатларини кўзлаб Совет Иттифоқи территориясидаги табиий бойликларни ўрганиш мақсадида ер сатҳининг участкалари спектографияга ва кўп зонали суратга олинди.

Медицина-биология тадқиқотлари программасига мувофиқ «Левкой» аппаратларидан фойдаланиб, адаптация даврининг турли босқичларида бош мияда қон айланишининг хусусиятлари ўрганилди. Вазнсизлик шароитида «Оазис-2» системаси ёрдамида оқсилли биология массани олиш имконияти текшириб кўрилди.

Илмий экспериментларни бажариш вақтида телескопларни мўлжалга ғоят аниқ тўғрилашни таъминлайдиган ориентациянинг мукаммаллаштирилган приборлари ва методлари қиёмига етказилди.

Парвознинг ҳамма босқичларида «Союз-13» кемасининг системалари ва унга ўрнатилган илмий аппаратлар нормал ишлади.

Кеманинг парвози ердаги команда — ўлчов комплекс воситалари билан пухта равишда таъминлаб турилди. Бу комплекс таркибида Совет Иттифоқи территориясида жойлашган ўлчов пунктлари ва СССР Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот кемалари бор эди. Парвоз давомида олинган маълумотлар қайта ишланмоқда ва ўрганилмоқда.

ИЛМИЙ ХАЗИНА БИЛАН ЕРГА

ОРБИТАДА саккиз кун давом этган илмий вахта қизғин ва самарали ўтди. Ер атрофи 128 марта айланиб училди. Шу айланишларнинг ҳар бирида фан учун муҳим экспериментлар ўтказилди.

Ер ўз вакилларини космик сафарларга неча марта юбормасин, коинот разведкачиларига қандай янги-янги топшириқлар берилмасин, ҳамиша Ер билан хайрлашиш ва она планета қучоғига қайтиш ҳар қандай парвознинг энг завқли дамлари бўлиб қолаверади.

Кема бир секундда орбита бўйлаб, 7,8 километр масофани учиб ўтади. Ана шу чинакам «заргарлик операцияси»нинг муваффақияти тормоз двигателларини аниқ ишга солишга, туширишга доир ҳамма командаларни оператив ижро этишга боғлиқ бўлади.

Парвозни бошқариш пунктида сукунат. Ҳозир кема марказ антенналари учун «кўринмайдиган» зонада — Африка тепасида учиб бормоқда. Ҳамма операция бошланганлиги тўғрисида бу ерга юбориладиган биринчи сигнални кутмоқда.

Ниҳоят сигнал берилди. «Союз-13» бортида тормоз берувчи двигатель қурилмаси ишга солинади. Секундлар яшиндек тез учиб ўтади — туширилувчи аппарат орбитал ва прибор бўлмаларидан ажратилади. Кема аэродинамик тарзда ерга туша бошлайди. Мана у ер атмосферасининг тиғиз қатламларига кириб келмоқда. Тезлик кескин камайтирилади, зўриқиш кучаяди. Бир туртки билан тормоз парашюти очилади. Яна бир бўшроқ туртки берилгач, кема парашютнинг каттакон гумбази осмонда осилиб қолгандек туюлади.

Жезқазғон билан Қарағанда оралиғидаги қўниш жойида барча қидириш воситалари — вертолётлар, вездеходлар, гидросамолётлар шай бўлиб турибди. Операторларнинг хабар қилишларича, соат 11 дан 50 минут ўтганда кема ерга қўнди. Орадан роппа-расо беш минут ўтгач учишни бошқариш марказида: космонавтлар ерда юриб келишмоқда! — деган орзиқиб кутилган хушхабар тарқалди.

Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
ТАСС махсус мухбири.
Парвозни бошқариш маркази. 26 декабрь.

РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

Ўзбекистон пойтахти районларида ҳисобот-сайлов партия конференциялари бўлиб ўтди.

Конференцияларнинг делегатлари коммунистларнинг партия XXIV съездидан кейин қилган катта ишларини якунладилар. Улар шу вақт ичида партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва идеологик фаолияти даражаси ошганлигини, бу эса шаҳарда хўжалик ва маданий қурилиш суръатларини тезлаштиришни, меҳнаткашларнинг коллективлари олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришларини таъминлаганлигини мамнуният билан қайд қилдилар.

Сўзга чиққан делегатлар ватанни яшнатиш, халқ бахт-саодати тўғрисида ҳормай-толмай қилаётган ғамхўрлиги учун Ленин партиясининг Марказий Комитетига чин кўнгилдан ташаккур айтдилар. Конференцияларнинг қатнашчилари ички ва ташқи сиёсат соҳасида партия XXIV съездининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия Марказий Комитетининг 1973 йилги декабрь Пленумидаги нутқида баён қилинган қоидалар ва хулосаларни амалга ошириш йўлида КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси қилаётган ишларни барча коммунистлар номидан тўла-тўкис ва батамом маъқулладилар.

Делегатлар қилинган ишларни Марказий Комитетнинг декабрь Пленуми қўйган юксак талаблар асосида анализ қилиб, район партия ташкилотларининг ишида ҳали ҳам содир бўлаётган камчиликларни танқид қилдилар. Партия комитетларининг, бошланғич партия ташкилотларининг иш услубини ва методларини янада такомиллаштириш, беш йиллик тўртинчи йилининг топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун курашга меҳнаткашларнинг куч ва ғайратини сафарбар қилиш зарурлиги уқтириб ўтилди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари: Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов Собир Раҳимов районидаги, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. М. Матчонов Фрунзе районидаги, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев Куйбишев районидаги, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин Октябрь районидаги, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари И. Р. Қурбонов Чилонзор районидаги, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов Киров районидаги, Тошкент область партия Комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов Ленин районидаги, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров Ҳамза районидаги партия конференцияларининг ишида қатнашиб, нутқ сўзладилар.

Конференцияларда район партия ташкилотларининг раҳбар органлари, Тошкент шаҳар партия конференциясига делегатлар сайланди. (ЎзТАГ).

ЎРТОҚ Н. В. ПОДГОРНИЙНИНГ ЛАТВИЯДА БЎЛИШИ

РИГА, 25 декабрь. (ТАСС). Латвияда меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний бугун фашизм қурбонлари хотирасига қўйилган Саласпилс ёдгорлик ансамблини зиёрат қилди. У КПСС Марказий Комитети билан СССР Олий Совети Президиуми номидан қардошлик мозорига гулчамбар қўйди.

Шу куни Н. В. Подгорний В. И. Ленин номли совхозга бориб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш, механизациялаш, самарадорлигини ошириш масалалари билан қизиқиб танишди, «Гунтиняс» сут-товар фермасини кўздан кечирди.

Сўнгра у Латвия ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси экспонатларини томоша қилди.

Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Э. Восс Н. В. Подгорний билан бирга бўлди.

ЎРТОҚ А. Н. ШЕЛЕПИННИНГ ТУРКМАНИСТОНДА БЎЛИШИ

АШХОБОД, 25 декабрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВЦСПС Раиси А. Н. Шелепин Туркманистон бинокорлик индустриясининг етакчи корхоналаридан бири — Ленин номли Ашхобод шиша комбинатини бориб кўрди, меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитлари билан, ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш масалалари, социалистик мусобақа қандай бораётганлиги билан танишди.

Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Г. Ғапуров, республика Министрлар Советининг Раиси Ў. Н. Ўразмуҳамедов, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Н. Риков А. Н. Шелепин билан бирга бўлдилар.

ЎРТОҚ Ю. В. АНДРОПОВНИНГ ЭСТОНИЯДА БЎЛИШИ

ТАЛЛИН, 26 декабрь. (ТАСС мухбири). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат Хавфсизлиги Комитетининг Раиси Ю. В. Андропов бугун бу ерга келди.

Балтика вокзалида Ю. В. Андроповни Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Г. Кэбин, Эстония ССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. П. Вадер, республика Министрлар Советининг Раиси В. И. Клаусон, Эстония Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар, республика партия ва совет органларининг бошқа раҳбарлари кутиб олдилар.

Ю. В. Андропов шу куниёқ Эстония партия-хўжалик активи билан учрашди. Республика халқ хўжалигини ривожлантириш масалалари ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1973 йил декабрь пленумида сўзлаган нутқида қўйилган вазифаларни бажариш масалалари муҳокама қилинди.

КАТТА ҒАЛАБА

ШИРИН (Сирдарё области), 26 декабрь. (ЎзТАГ мухбири). Сирдарё ГРЭСининг иккинчи энергетика блоки саноат токини бера бошлади. Бугун чоштгоҳга келиб у 120 минг киловатт қувват билан ишлай бошлади. Турбоагрегатнинг ҳисоблаб қўйилган қуввати — 300 минг киловатт. Муддатидан олдин аввал монтаж қилинган қозон турбина ва генератор синаб кўрилганда қурувчилар ишининг сифати юксак эканлиги маълум бўлди. Энергетика блоки бошқармасининг ҳамма системалари нормал ишлаб турибди.

Иккинчи энергетика блоки ишга тушган пайтининг ўзида Сирдарё ГРЭСи билан Самарқанддаги «Бош» подстанция ўртасида 220 киловольт кучланишли электр линия улаб юборилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОСТАВИДА ЯНГИ РАЙОНЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришни назарда тутиб ва халқ хўжалигига раҳбарликни янада кучайтириш, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Меҳнаткашлар депутатлари Андижон, Бухоро, Наманган, Тошкент, Фарғона ва Хоразм область Советлари ижроия комитетларининг илтимоси қондирилсин — Ўзбекистон ССР составида қуйидаги районлар тузилсин:

АНДИЖОН ОБЛАСТИДА

Комсомолобод райони — Маркази Оқ олтин аҳоли пункти.

Бўз районидаги Оқ олтин, Мингбулоқ, Навоий номли қишлоқларнинг ва балиқчилик хўжалигининг территорияси, Москва районидаги «Комсомол» совхози фойдаланаётган ерлар доирасида Ўзбекистон қишлоғи территориясининг бир қисми, шунингдек, Ленин районидаги В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги номли совхоз фойдаланаётган ерлар доирасидаги Ўзбекистон қишлоғи территориясининг бир қисми Комсомолобод райони составига берилсин.

БУХОРО ОБЛАСТИДА

Олот райони — маркази Олот шаҳар посёлкаси.

Олот шаҳар посёлкаси ва Қоракўл районидаги Денов, Жумабозор, Пахтакор, Толқонсайёд ва Чандир қишлоқлари территорияси Олот райони составига берилсин.

НАМАНГАН ОБЛАСТИДА

Косонсой райони — маркази Косонсой шаҳри.

Косонсой шаҳри, Чуст районидаги Кўкунбой, Ленин йўли, Терговчи қишлоқлари территорияси ва Тўрақўрғон районидаги Ёртепа қишлоғи территорияси Косонсой райони составига берилсин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА

Қуйи Чирчиқ райони — маркази Солдатский шаҳар посёлкаси.

Оққўрғон районидаги Солдатский шаҳар посёлкаси ва Кетмонтепа, Киров номли, «Коммунизм», Қизил октябрь, «Новая жизнь», Ўзбекистон ССР беш йиллиги номли ва Тошовул қишлоқлари Қуйи Чирчиқ райони составига берилсин.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИДА

Бувайда райони — маркази Янгиқўрғон аҳоли пункти.

Ленинград районидаги Оққўрғон, Алқар, Бекобод, Бештерак, Бувайда, Жалоир, Қўнғирот ва Янгиқўрғон қишлоқлари территорияси Бувайда райони составига берилсин.

Ленинград районининг маъмурий маркази аҳоли яшайдиган Янгиқўрғон аҳоли пунктидан Учкўприк аҳоли пунктига кўчирилсин.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИДА

Хонқа райони — маркази Хонқа аҳоли пункти.

Янгиариқ районидаги Ленин номли, Мадир, Навоий номли, Намуна, Ҳавхос, Сарипоён, Томадурғодиқ, Хонқа ва Хоразм қишлоқлари Хонқа райони территорияси составига берилсин.

Янгиариқ районининг маъмурий маркази Хонқа аҳоли пунктидан Янгиариқ аҳоли пунктига кўчирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА.
1973 йил, 26 декабрь.
Тошкент шаҳри.

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ИНТЕРНАЦИОНАЛ БИРЛИГИ

Латвия ССРга ва Рига шаҳрига Ватаннинг олий мукофотлари топширилди

РИГА, 26 декабрь. (ТАСС). Латвия Компартияси Марказий Комитети билан Латвия ССР Олий Советининг республика ва Рига шаҳри жамоат ташкилотлари ҳамда меҳнаткашлари вакиллари иштирокидаги қўшма тантанали мажлисида бугун республикага Халқлар дўстлиги ордени ва Рига шаҳрига Ленин ордени топшириш маросими бўлди.

Республика Латвия меҳнаткашларининг ССР Иттифоқини ривожлантириш ва мустаҳкамлашдаги, социалистик миллатлар ва элатлар дўстлиги ҳамда қардошларча ҳамкорлигини мустаҳкамлашдаги катта хизматлари учун, Совет давлатини иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун ва СССРнинг 50 йиллигини нишонлаш юзасидан Ватаннинг ана шу олий мукофотига сазовор бўлди.

Латвия ССР пойтахти шаҳар меҳнаткашларининг хўжалик ва маданий қурилишда, саккизинчи беш йиллик планнинг саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш соҳасидаги топшириқларини бажаришда эришган катта муваффақиятлари учун мукофотланган эди.

Тантанали мажлисни Латвия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси В. П. Рубен очди. Биз ҳаммамиз, деди у, совет Ватанимизнинг ажойиб муваффақиятлари билан ҳақли равишда фахрланамиз, бу муваффақиятлар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1973 йил декабрь Пленумидаги чуқур мазмунли нутқида яққол тавсифлаб берди. Шу нутқда баён этилган қоидалар ва хулосалар партия XXIV съезди қарорларини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун бениҳоя муҳим аҳамиятга эга. Юксак мукофотлар бизнинг зиммамизга социалистик Ватанимизнинг қудратини илҳом бахш меҳнат билан мустаҳкамлаш, ССР Иттифоқи халқларининг бузилмас дўстлигини муқаддас билиб ардоқлаш вазифасини юклайди.

Мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

Меҳнат илғорлари, Латвия ССР байроғини, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг Эсдалик байроғини, Рига шаҳрининг байроғини залга олиб кирадилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорнийга сўз берилади.

Бугун биз, деди Н. В. Подгорний, шонли воқеа — Латвия Совет Социалистик Республикасига Халқлар дўстлиги орденини, унинг пойтахти — Рига шаҳрига эса Ленин орденини топшириш муносабати билан ана шу тантанали йиғилишга тўпландик. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати номидан рижаликларни, Латвия ССРнинг барча меҳнаткашларини Ватаннинг юксак мукофотлари билан табриклашга ижозат бергайсиз.

Мен партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг илтимосини бажонидил адо этиб, Совет Латвиясининг шонли меҳнатчиларига самимий қутловлар ва энг эзгу тилаклар топшираман.

Латвия ССРнинг Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланиши латиш халқининг ССР Иттифоқини, социалистик давлатимиздаги барча миллатлар ва элатларнинг қардошларча ҳамкорлигини мустаҳкамлашдан иборат умумий ишга қўшган катта ҳиссасига берилган юксак баҳодир. Бу орден социализмнинг совет кишиларига жуда азиз бўлган ғалабалардан бири — Советлар мамлакати меҳнаткашлари интернационал бирлигининг рамзидир.

Н. В. Подгорний социализм тарихига ажойиб саҳифалар ёзган латиш халқининг кураш ва бунёдкорлик билан ўтган қаҳрамонона йўли тўғрисида гапириб, латиш қизил ўқчилари ўша қаҳрамонона кунлар йилномасига революциянинг довюрак солдатлари, унинг садоқатли шунқорлари бўлиб кирганликларини қайд қилди. Нотиқ партиямиз ва давлатимизнинг латиш халқи шонли ўғлонлари орасидан етишиб чиққан таниқли арбоблари, атоқли ҳарбий бошлиқлар, ёзувчилар номларини тилга олади, улар Латвия тарихига, Совет Иттифоқи тарихига абадий ёзилиб қолганлигини таъкидлайди.

Ҳозирги Латвия — маҳсулотнинг электр техника, радио электроника, приборсозлик, транспорт машинасозлиги сингари бениҳоя муҳим турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган ривожланган, гуллаб-яшнаб турган социалистик республикадир. Буржуа Латвиясида бутун бир ой давомида ишлаб чиқарилган миқдордаги саноат маҳсулоти ҳозир республикада атиги бир кеча-кундузда ишлаб чиқарилмоқда.

Республика қишлоқ хўжалигида ҳам чуқур сифат ўзгаришлари содир бўлди. Сизларнинг фан ва маданиятни ривожлантириш соҳасидаги ютуқларингиз ҳаммага маълум.

Халқ хўжалигини, фан ва маданиятни ривожлантиришда сизларнинг гўзал пойтахтингиз — Рига меҳнаткашлари катта роль ўйнамоқдалар, деди сўзини давом эттириб Н. В. Подгорний. Унинг саноати республикадаги бутун маҳсулотнинг бешдан уч қисмига яқинини ишлаб чиқармоқда. Шаҳар ўзининг денгиз порти билан ҳақли равишда фахрланиши мумкин, у Балтикада етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Рига — жуда катта маданий марказ бўлиб, бу ерда Фанлар академияси, еттита олий ўқув юрти, еттита профессионал театр, 200 та оммавий кутубхона, ўнлаб бошқа маданий оқартув муассасалари ишлаб турибди. Рига умумиттифоқ шифохонаси сифатида ҳам тобора кўп шуҳрат қозонмоқда.

Латвия буржуа ҳукмронлиги занжирларини улоқтириб ташлаб ва меҳнаткашлар ҳокимиятини ўрнатиб; мамлакат социалистик хўжалигининг ягона системасига қўшилганлиги, барча совет халқларининг қардошларча ўзаро ёрдами ва мададига таяна олганлиги туфайли ана шундай муваффақиятларга эришиш мумкин бўлиб қолди.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми, деди сўнгра Н. В. Подгорний, 1974 йилда совет экономикасини ривожлантиришнинг принципиал масалаларини кўриб чиқди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Пленумдаги нутқида шу йилнинг якунлари, беш йиллик дастлабки уч йилининг якунлари ҳар томонлама анализ қилинди, келгусидаги вазифалар белгиланди, мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг истиқболи батафсил баён этиб берилди. Пленум ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида чиқарилган хулосаларни якдиллик билан маъқуллади, барча партия ташкилотларига ўзларининг амалий ишларида шу нутқда баён этилган қоидалар ва хулосаларга амал қилишни таклиф этди.

Ҳозир экономикадаги ишларнинг аҳволи келажакка комил ишонч билан назар ташлашимизга ва ўз олдимизга янги, янада мураккаб вазифаларни қўйишимизга имкон беради. КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида ҳам, шунингдек, СССР Олий Советининг еттинчи сессиясида ҳам 1974 йилги планни тўла ва ошириб бажариш, умуман беш йилликнинг муваффақиятли тугаллаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши таъкидланди.

Сўнгра Н. В. Подгорний ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўлларини таърифлаб берди.

Бизнинг халқ хўжалигимизда жуда катта имкониятлар бор. Вазифа шу имкониятларни амалий фаолиятда, мамлакатнинг бутун мураккаб хўжалик механизмини бошқариш жараёнида ўз вақтида ва энг кўп самара берадиган қилиб рўёбга чиқаришдан иборат, деди у. Марказий Комитетнинг декабрь Пленуми шу масалаларга бениҳоя зўр эътибор берганлигининг боиси ҳам ана шу. Бунда гап бошқаришнинг мавжуд системасини қандайдир тубдан қайта қуриш тўғрисида бораётгани йўқ. Тармоқ принципи замон синовидан ўтди. Айни вақтда халқ хўжалигининг доимо кенгайиб бораётган кўламлари ва мураккаблашиб бораётган вазифалари экономикага янада зўрроқ оперативчилик ва эпчиллик билан раҳбарлик қилишни, планлаштиришни, ташкилий структурани яхшилашни, тор маҳкамачилик ва маҳаллийчилик тенденцияларига қарши кескин кураш олиб боришни талаб қилади.

Бошқариш масалаларига эътибор берилаётганлиги, мода кетидан қувиш эмас, вақтинчалик бир иштиёқ эмас. Ҳозир бошқаришни такомиллаштириш — катта-кичик ишларнинг ҳаммаси соҳасида қабул этилаётган қарорларнинг илмий асосланганлигини, ҳамма даражалардаги ташкилотлар ва барча лавозимлардаги ходимларнинг ҳуқуқлари ва масъулиятини аниқ белгилашни, умуман бутун тармоқда ва ҳар бир ишлаб чиқариш участкасида меҳнатни пухта ўйлаб ташкил этишни билдиради.

Экономикага раҳбарлик масалалари ишга кенг миқёсда партиявий, сиёсий ёндашишни, формализмнинг турли-туман кўринишларига қарши, бюрократик сохтакорликларга қарши, масъулиятдан қочиш йўлидаги уринишларга, айрим раҳбар ходимларнинг масъулиятни ўз зиммасидан соқит қилишга, юқори ташкилотнинг резолюцияси қўйилган қоғозни рўкач қилишга интилишига қарши кескин кураш олиб боришни талаб қилади. «Совет маъмуриятининг машинаси аниқ, ҳалол, тез ишлаши керак, — деб таъкидлаган эди В. И. Ленин, — бу машина ишининг бўшаклигидан хусусий кишиларнинг манфаатларигина зарар етиб қолмай, шу билан бирга, бутун бошқарув иши сохта, ҳаёлий тусга кириб ҳам қолади».

Н. В. Подгорний шуни таъкидладики, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ҳозирги замон фан ва техникаси ютуқларини муваффақиятли жорий қилиш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Фан-техника революцияси самараларидан максимал равишда фойдаланиш — коммунизм моддий-техника базасини яратишнинг ҳал қилувчи омилидир. Икки жаҳон системаси тарихий мусобақасининг олдинги марраси ҳозир худди шу жойдан ўтади. Биз аминмизки, бу мусобақада фан-техника тараққиёти социализмнинг тобора ишончли иттифоқчиси бўлиб қолади.

Ишлаб чиқаришнинг бутун ривожини жамият эҳтиёжларига бўйсундирувчи социалистик тузум фан-техника революциясидан айниқса манфаатдор бўлиб, бунинг учун энг қулай шарт-шароитларни яратишга ҳақиқатан ҳам қодирдир. Фан-техника революцияси ютуқларини социализм афзалликлари билан узвий равишда қўшиб юбориш зарурлигини партиямизнинг XXIV съезди жуда муҳим вазифа қилиб қўйди.

Н. В. Подгорний КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида планлаштиришдаги нуқсонлар ва план интизомини бузишлар тўғрисида, хўжаликнинг турли соҳаларидаги катта-катта исрофгарчиликлар ҳамон давом этаётганлиги ҳақида, чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш, энг янги фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш масалалари суст ҳал этилаётганлиги тўғрисида партиявий ўткир, принципиал гаплар бўлганлигига эътиборни қаратди. Шу муносабат билан у Латвияда ҳам саноатнинг айрим тармоқлари ишлаб чиқаришни янги серунум асбоб-ускуналар билан таъминлаш соҳасида, технология жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш соҳасида ҳамон орқада қолаётганлигини таъкидлаб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ИНТЕРНАЦИОНАЛ БИРЛИГИ

(Боши биринчи бетда).

Меҳнат интизоми меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг муҳим резервидир, резерви бўлганда ҳам, ҳеч қандай моддий чиқим қилишни талаб этмайдиган резервидир, деди нотиқ сўзини давом эттириб. КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида бу ҳақда ҳам гапирилди. Интизомга жуда қаттиқ риоя этиш, меҳнатга ҳалол, виждонан муносабатда бўлиш—барча халқ хўжалик вазифаларимизни муваффақиятли ҳал этишнинг энг муҳим шартидир. Ишлаб чиқаришнинг кўламларигина эмас, характерининг ўзи ҳам тубдан ўзгариб бораётган шу кунларда, ҳатто бир ходимнинг ҳар қандай хатоси ҳам бутун коллектив учун жиддий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин бўлган бир пайтда, меҳнатнинг ўзи тобора ижобий ва малакали бўлиб бораётган бир пайтда меҳнат интизомини мустаҳкамлашнинг аҳамияти айниқса ортмоқда.

Меҳнат ҳамма замонларда ҳам ижтимоий бойликнинг манбаи бўлган. «Ўз ишининг устаси» деган сўз доимо халқ олдида меҳнат аҳлига берилган энг юксак баҳо бўлган. Олий социал адолат жамияти бўлган социализм меҳнатни, унинг натижаларини инсон қадр-қимматининг, жамиятдаги моҳиятининг бош мезонига айлантирди.

Н. В. Подгорний республиканинг энг яхши меҳнатчилари номларини тилга олиб, шу кунларда иқтисодий ва социал-маданий қурилишнинг партия белгилаб берган улуғвор программасини бажаришдаги муваффақиятларни ишлаб чиқариш илғорларининг фидокорона меҳнати, ватанпарварлик ташаббусларигина эмас, балки, аввало, биринчи галда катта-катта меҳнат коллективларининг оммавий қаҳрамонлиги белгилаб беради, деб таъкидлади. Ана шу коллективларнинг қудратли одими, шонли ишлари ютуқларимизнинг негизини ташкил қилади.

Латиш халқининг барча муваффақиятлари КПССнинг жанговар отрядларидан бири — Латвия Коммунистик партиясининг фаолияти билан боғланган. Республика коммунистларининг 135 минг кишилик отряди. Латвия Компартияси Марказий Комитети раҳбарлигида омманинг авангарди ва ташкилотчиси, меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбияловчи сифатида иш кўрмоқда.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг, СССР Олий Совети VII сессиясининг қарорлари, партиянинг 1974 йилги планни муддатидан аввал бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги даъвати совет кишиларининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини янада жўш урдириб юборди. Н. В. Подгорний Латвия ССР меҳнаткашлари план топшириқларини ва олинган мажбуриятларни муваффақиятли равишда бажарадилар, социалистик мусобақа байроғини бундан буён ҳам баланд кўтара берадилар, партия билан халқ ишига, коммунизм идеалларига чексиз садоқат намуналарини кўрсатберадилар, деб ишонч билдирди.

Сўнгра у халқаро кескинликни юмшатиш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масалаларига, КПСС билан Совет давлатининг ҳозирги замондаги актуал проблемалар юзасидан олиб борилаётган ташқи сиёсат фаолиятига батафсил тўхталиб ўтди.

Ленинча тинч-тотув яшаш принциплари, деди Н. В. Подгорний, халқаро ҳуқуқ ҳужжатларида тобора кўпроқ эътироф этилмоқда ва мустаҳкамланмоқда, энг муҳими эса капиталистик ва социалистик давлатлар ўртасидаги муносабатларда тобора кенг кўламда амалий татбиқ этилмоқда. Касаба союзларининг Варнадаги Жаҳон конгресси ва тинчликсевар кучларнинг Москвада бўлиб ўтган Жаҳон конгресси тинчлик тарафдорларининг ҳаракат бирлиги тобора мустаҳкамланиб бораётганлигининг яққол исботи бўлди. Москвадаги Жаҳон анжуманида ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган ёрқин ва сермазмун нутқда ҳозирги халқаро вазият чуқур анализ қилинди, ҳозирги даврда тинчликсевар кучлар орзуси, асосий вазифалар таърифлаб берилди. Бу нутқда КПСС XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программаси моҳият эътибори билан янада ривожлантириб берилди.

Н. В. Подгорний кескинликни юмшатиш соҳасида Европада энг сезиларли натижаларга эришилганлигини қайд қилди. Совет раҳбарларининг АҚШ, ГФР, Франция ва Европа, Африка ва Латин Америкасидаги бошқа мамлакатларнинг арбоблари билан учрашувлари халқаро кескинликни юмшатиш йўлида қўйилган муҳим қадамлар бўлди, шу билан бирга совет раҳбарларининг Япония Бош министри К. Танака билан ва Осиё мамлакатларининг бошқа давлат арбоблари билан учрашувлари, партиямиз Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг яқинда Ҳиндистонга қилган жуда муҳим визити Осиё қитъасида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига қўшилган салмоқли ҳисса бўлди.

Биз Европада ҳам, Осиёда ҳам, бошқа қитъаларда ҳам кескинликни юмшатиш, энг муҳим халқаро проблемаларни халқларнинг одилона талаблари ва орзу-умидларини ҳар томонлама ҳисобга олиш асосида ҳал этиш йўлини изчиллик билан ўтказиб келмоқдамиз.

Совет Иттифоқи халқларнинг дўстлигини мустаҳкамлаш, давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик муваффақиятли ривожланиб бориши учун, кескинликни юмшатиш жараёни чуқурлашиб, тобора зўрайиб, муқаррар тус олиши учун ҳамма ишни қилаберади. КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида янгидан тасдиқланган бу йўлга барча совет кишилари қўшилмоқдалар ва уни қизғин қўллаб-қувватламоқдалар.

Шундан кейин Н. В. Подгорний СССР Олий Совети Президиумининг Латвия ССРни Халқлар дўстлиги ордени билан ва Рига шаҳрини Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонларини ўқиб эшиттирди. Тантанали мажлис қатнашчиларининг қарсаклари остида у орденларни республика байроғига ва Латвия пойтахтининг байроғига тақиб қўйди.

Н. В. Подгорнийнинг нутқи бир неча марта давомли қарсаклар билан бўлиниб турди.

Латвия Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари А. Э. Восс жавоб нутқи сўзлади. Латвия ССР ва Рига шаҳри мукофотланганлигини, деди у, совет Латвиясининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг бизнинг республикамизга зўр эътибор бераётганлигининг янги далили деб кутиб олдилар.

Ўртоқ Н. В. Подгорнийнинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневдан бизга келтирган қизғин саломи ва эзгу тилаклари ҳаммамизни ғоят тўлқинлантирди ва қувонтирди, деди, А. Э. Восс сўзини давом эттириб. Бу эътибор ва илтифот учун Леонид Ильичга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирамиз. Бу самимият ва эътибор Совет Латвияси меҳнаткашларини Ватан манфаатлари йўлида, улуғ Ленин ишининг тантанаси йўлида фидокорона меҳнат қилишга руҳлантиради.

Латвия Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари республика меҳнаткашлари номидан КПСС Марказий Комитетига, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюросига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневга коммунизм йўлидаги, ер юзида тинчлик йўлидаги меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Биз ҳаммамиз ҳозир КПСС Марказий Комитети Пленумидан олинган таассуротлар билан яшамоқдамиз деб таъкидлади А. Э. Восс. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги чуқур мазмунли нутқида КПСС Марказий Комитетининг ички ва халқаро фаолияти ҳар томонлама анализ қилиб берилди. Фикрларга бойлиги билан, хўжалик ва маданий қурилишнинг энг зарур вазифаларига конструктив амалий ёндашиш билан ажралиб турган бу нутқда бу йилги топшириқларнинг бажарилиш якунлари ва 1974 йилги вазифалар таҳлил этилди, мамлакатимиз экономикасини янада ривожлантириш билан боғлиқ бўлган бир қанча катта-катта проблемалар ўртага қўйилди.

КПСС Марказий Комитетининг 1973 йилги декабрь Пленуми партиямиз тарихига тўққизинчи беш йилликнинг тўртинчи, белгиловчи йили вазифалари аниқлаб берилган муҳим босқич, марра бўлиб киради.

Шу тантанали айёмда биз Совет Иттифоқининг барча халқларига, аввало революцион курашда, социализм ва коммунизм қурилиши учун курашда латиш халқига ёрдам ва мадад бериб келган ва бераётган улуғ рус халқига самимий салом, миннатдорчилик сўзлари билан мурожаат қиламиз, деди у.

А. Э. Восс Совет Латвиясининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари ўз меҳнатларига берилган бу юксак баҳога жавобан ленинчи партиямиз сиёсатини янада зўр ғайрат билан амалга ошираберадилар, деб КПСС Марказий Комитетини, СССР Олий Совети Президиумини ва Совет ҳукуматини ишонтирди.

Мажлисда сўзга чиққан Рига шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Э. Я. Аушкап, «Ригас адитайс» трикотаж фирмасининг тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. И. Трифонова, «СССР 50 йиллиги» совхозининг директори Я. Я. Эндзелис, латиш қизил ўқчилари номидаги полк командири подполковник В. Я. Кобзарев, Рига травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институтининг директори, медицина фанлари доктори В. К. Калнберз, П. Стучка номидаги Давлат университетининг студенти, Ленин стипендиати К. О. Калнциемс ўз нутқларида Латвия ССР меҳнаткашлари совет халқлари ўртасидаги дўстлик ва қардошларча ҳамкорликни барча ғалабаларимизнинг манбаи ва гарови деб билиб, шу дўстлик ва ҳамкорликни тинимсиз ардоқлаб, мустаҳкамлайверади, Советлар мамлакатининг коммунистик қурилишдаги муваффақиятини ўз меҳнатлари билан кўпайтираверадилар, деб КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматини ишонтирдилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

Жаҳон бўйлаб

ДЕҲЛИ. Шаҳар марказидан бир кўриниш.

В. Соболев фотоси (ТАСС).

ҚОҲИРАДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ҚОҲИРА, 25 декабрь. (ТАСС). БМТ вакили бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида Яқин Шарқдаги БМТ фавқулодда кучларининг сони 23 декабргача 4876 кишига етганлигини хабар қилди.

22 декабрь куни БМТ кузатувчилари Миср ва Исроил қўшинлари жойлашган линияларда ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битим 39 марта бузилганлигини қайд этдилар, деди вакил. Битимни бузиш ҳоллари Сувайш, Исмоилия, Ал Кантара шаҳарлари, шунингдек Адабия ва Абу Сувейр аҳоли пунктлари районида рўй берди.

МХР БУЮК ХАЛҚ ХУРАЛИ СЕССИЯСИ

УЛАН-БАТОР, 25 декабрь. (ТАСС). Бугун Улан-Баторда саккизинчи чақириқ Монголия Халқ Республикаси Буюк Халқ Хуралининг иккинчи сессияси ўз ишини тугатди. Бугунги мажлисда Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ю. Цеденбал бошчилигидаги МХР партия ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этишди.

Сессия «МХР халқ хўжалиги ва маданиятини ривожлантиришнинг 1974 йилги плани тўғрисида»ги қонунни ҳамда «МХРнинг 1974 йилги давлат бюджети ҳақида»ги қонунни бир овоздан тасдиқлади.

СОВЕТ ФИЛЬМЛАРИ ҲАФТАСИ

НУАКШОТ, 26 декабрь. (ТАСС). Мавритания пойтахтида ташкил этилган совет фильмлари ҳафтаси «Халоскорлик» фильм-эпопеясини кўрсатиш билан бошланди. Мавритания жамоатчилиги «Берлин учун жанг» ва «Охирги штурм» кинофильмлари билан ғоят қизиқиб танишди.

Кино ҳафтаси давомида шаҳар аҳолиси совет киносанъатининг «Оловнинг тийилиши», «Жасорат», «Республика мулки» каби асарларини кўриши мумкин.

ВДРДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ

ХАНОЙ. Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати Ханой яқинида қуриладиган уйсозлик комбинати техникавий лойиҳасини маъқуллади. Уйсозлик комбинати Совет Иттифоқининг техникавий ёрдамида қурилади. Комбинат йилига 100 минг квадрат метр уй-жой майдони ёки 2000 квартира ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Демократик Вьетнамдаги шу хилдаги биринчи корхона комбинат лойиҳасини Москвадаги уй-жой биноларини лойиҳалаш марказий илмий тадқиқот институтининг коллективи ишлаб чиқди.

Яқин йиллар мобайнида республикада Совет Иттифоқи ҳамкорлигида цемент заводи ва ойна заводи ҳам қурилади.

КЕЛАСИ ЙИЛ ҲИСОБИГА

БУДАПЕШТ. Дьер ип газлама ва сунъий чарм фабрикасининг коллективи шу кунларда 1974 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Бу ерда йил охирига қадар Чехословакия буюртмасига биноан 500 минг квадрат метр сунъий чарм ишлаб чиқарилади. Тугаб бораётган йилнинг ҳар бир куни корхонага катта фойда келтирмоқда. Бу Дьер фабрикасига фабрика қуриш учун давлат қарз олиб сарфланган маблағларни муддатидан бирмунча олдин тўлаш имконини беради. Келаси йили бу ерда 36 минг квадрат метр газлама ишлаб чиқариш мўлжалланган. Бу шу йилги планда 6 процент кўп.

Секешфехервар енгил металлар комбинатининг қуювчилари ҳам келаси йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Бу ерда шу йили пландан ташқари 7 минг тонна металл ишлаб чиқарилади.

СУРИЯ. Дамашқ аҳолиси Исроил бомбалари остида вайрон қилинган саноат ва турар-жой объектларини қайта тиклашга киришди. Корхоналарнинг ишчилари, студентлар ва ҳимоя отрядлари бу ишга кенг жалб этилган. Суратда: вайрон қилинган бинони тиклаш учун келтирилган қурилиш материалларини ва қурувчи студентларни кўриб турибсиз.

В. Огородников фотоси.

СССР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИ БИТИРИБ ЧИҚҚАНЛАР УЧРАШУВИ

КОЛОМБО, 26 декабрь. (ТАСС). Бу ерда очилган совет маданияти уйида Шри Ланка Республикасининг гражданларидан совет олий ўқув юртларини битириб чиққан кишиларнинг учрашуви ўтказилди. Ёш инженерлар ва геологлар, агрономлар ва врачлар, рассомлар ва архитекторлар СССРда ўқиган вақтларида олган чуқур билимлари тўғрисида Советлар мамлакатига миннатдорчилик билдириб гапиришди. Учрашув қатнашчилари совет олий ўқув юртларини битириб чиққанлар уюшмасини тузишга қарор қилишди.

АРАБ МАМЛАКАТЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ҚУВАЙТ. 26 декабрь. (ТАСС). Саудия Арабистонининг нефть ва минерал ресурсларга доир ишлар министри шайх Аҳмад Заки Яманий айтдики, араб мамлакатларида нефть қазиб чиқариш 1974 йилнинг январида ҳозирги даражага нисбатан 10 процент кўпайтирилади. Нефть экспорт қилувчи араб мамлакатлари ташкилотининг бу ерда ўтказилаётган кенгашида қабул қилинган шу қарор билан бир қаторда, араб давлатлари Япония, Франция, Англия, Бельгия ва Филиппиннинг нефтга бўлган эҳтиёжларини таъминлаб турадилар, деган қарор ҳам эълон қилинди. Шу билан бирга АҚШга нефть етказиб бериш тақиқлаб қўйилганлиги ҳозирча ўз кучида қолаверади.

ОКЕАНДАГИ ОЛИШУВ

(САФАР ТААССУРОТЛАРИ)

●

Бомбей шаҳри Ҳинд океанининг бўйига жойлашганини мактабда жўғрофия ўқиб юрган пайтларимиздан бери билар эдик. Мана энди шу шаҳарга саёҳат қилиб келдик. «Каравелла» деган самолёт бизни Жайпур шаҳридан Бомбейга олиб келганда қоронғи тушиб қолган эди. Самолётдан чиққан заҳотимиз ҳаво ўзгариб қолганини сездик. Тоғ этагидаги салқин Жайпур шаҳридан кейин Бомбей жуда иссиқ ва сернам туюлди. Ҳавода ҳаммомнинг иссиқ хонасидан чиқадиган буғни эслатувчи ҳарорат ва ҳовур бор эди. Кейин билсак, бу ҳовур иссиқ Ҳинд океанининг нафаси экан, Бомбей шаҳрини томоша қилиб юрганимизда океанга қирғоқдан уч-тўрт марта кўзимиз тушди. Охири осмонга бориб тақалган уфқи кенг сувда катта-катта океан кемалари сузиб юрарди.

Кўпимиз океанни биринчи марта кўрмоқда эдик. Кемага тушиб, унинг ичкариларига сузиб боришни истардик. Шунинг учун мезбонлар — ҳинд-совет дўстлик жамиятининг вакиллари — бизни океандаги бир оролга олиб борадиган бўлдилар.

Эрталаб кемалар тўхтайдиган пристанга келдик. Пристань океаннинг шамолпана бир қўлтиғига жойлашган эди. Қирғоққа муттасил урилиб турган долға тўлқинлари бу ерда унча йирик эмас. Йигирма кишилик бир катерга тушдик. Катернинг мотори тириллаб, бизни қирғоқдан узоқлаштириб кета бошлади.

Бомбей яқинида ҳар хил пароходлар, баржалар жуда кўп. Сувга шаҳардан ташландиқ нарсалар ҳам кўп тушса керак. Шунинг учун бу ерларда океан суви алланечук хира. Қорамтил-қулранг лойқаси бор. Лекин катеримиз қирғоқдан узоқлашган сари сувнинг ранги тиниқлашиб борар эди.

Кун қиёмига келганда олдинда баланд қоятошли бир орол кўринди. Қоятошларнинг этакларида ям-яшил ўрмон дарахтлари кўзга ташланар эди. Оролнинг тошлоқ қирғоғига йирик-йирик океан тўлқинлари урилиб турар, сув зарралари кўпириб, осмонга сапчир эди. Шунинг учун катеримиз қирғоқдан анча берида тўхтади. Биз «пирс» 1) деб аталадиган махсус кўприкдан юриб бориб, оролга чиқдик.

Ўрмонзор оролнинг баланд бир жойида — қоятошлар орасида дунёга машҳур бўлган қадимий тош ҳайкаллар бор эди. Қирғоқдан шу ҳайкаллар турган жойга махсус зинапоялардан юриб бориш мумкин эди. Бу зинапоялар жуда кўп, тоғ анча баланд эди. Пиёда юришни севмайдиган баъзи бир пулдор бойлар зинапояга ўз оёқлари билан чиқишни истамас эканлар.

Пулга ёлланган камбағаллар уларни тахтиравонга солиб, елкаларида кўтариб олиб чиқар эканлар.

Биз бир-бирига уланиб кетган тош зинапояларга яқинлашдик. Шу пайт дарахт соясида турган беш-олти киши рўпарамизга келиб, тахтиравонга чиқишни таклиф қилди.

Ҳаворанг бўёқларга бўялган тахтиравонларнинг ўриндиқлари чиройли қилиб ишланган эди. Океан ортидан келган пулдор сайёҳлардан иккитаси олдиндаги тахтиравонларда ёстаниб ўтириб, камбағаллар елкасида юқорига кўтарилмоқда эдилар. Қорачадан келган серпай йигитлар тахтиравонларни тўрт томонидан олиб, терлаб-пишиб зинадан-зинага бормоқда эдилар.

Улар бу ишни рўзғор тебратиш ва пул топиш учун қилишар эди. Бойлар роҳат қилиб яшайдиган капиталистик мамлакатда камбағаллар кўпинча ўзларига муносиб иш тополмайдилар. Биз келган оролда ҳам ана шундай капиталистик муносабатлар бор эди.

Биз ўзимизга ўхшаган меҳнаткашларнинг елкасига мингандай бўлиб тахтиравонда юришни шаънимизга муносиб кўрмас эдик. Бизни тахтиравонга таклиф қилган кишиларга буни ётиғи билан айтдик-да, зинапоялардан ўзимиз кўтарилиб кетдик.

Тепада яхлит қоятошдан ўйиб ишланган кўпхонали қаср бор эди. Қаср ичида ҳиндларнинг афсонавий қаҳрамонларига ва муқаддас кишиларига қўйилган улкан-улкан тош ҳайкаллар турар эди. Бу қаср ва ҳайкаллар олтинчи асрда, яъни бундан бир минг тўрт юз йил олдин яратилган эди. Ўша даврда ҳинд сангтарошларининг шунчалик улуғвор қаср ва ҳайкаллар яратганига жаҳоннинг ҳамма ҳалол одамлари қойил бўлади. Лекин бир вақтлар бу оролни босиб олган Португалия мустамлакачилари тош қасрда ўзларидан жуда ёмон хотира қолдирганлар. Улар довул турган серёмғир кунларда мана шу қасрда яшаганлар. Бу қаср уларга бошпана бўлиб хизмат қилган. Шунга қарамай, мустамлакачилар тош ҳайкалларга қараб ўқ отганлар. Ўлмас ҳайкаллардан бирининг қўлини уриб синдирганлар, бирининг бурнини учириб юборганлар... Ҳайкаллар ҳозир ҳам ана шу жароҳатлари билан турибди. Уларнинг ярадор юзларида бахил мустамлакачиларга қарши нафрат ва лаънат акс этаётгандай бўлади...

Тош қасрни кўриб бўлгач, оролнинг энг баланд тепалиги устига чиқдик. Бу ердаги улкан дарахтлар шохида жажжи маймунчалар қий-чув қилиб ўйнаб юришипти. Олов рангидаги бу маймунчалар мушукдан сал каттароқ эди. Сайр қилиб юрган одамлар уларга банан ёки ёнғоқ ташлашарди. Маймунлар гоҳо дарахт шохидан ерга сакраб тушишар, одамлар ташлаган егуликлардан ўзига ёққанини чаққонлик билан олиб яна дарахтга чиқиб кетишар эди.

Бомбейдан биз билан бирга келган йўл бошловчимиз — сари кийган ўрта яшар ҳинд аёли — маймунларга овқат ташлаётган хипча бир йигитчага қараб туриб:

— Аббос! — деб чақирди.

Йигитча биз томонга «ялт» этиб қаради-ю, чопиб олдимизга келди. Қўлини жуфтлаб пешонасига қўйди-да, йўлбошловчи аёлга ва бизга ҳиндча салом берди.

Йигитчанинг ёши ўн беш-ўн олтиларда бор. Қўл-оёқлари серпай. Лаблари кўкимтил, юзи озғин. Илжайганда лаблари шундай кенг очиладики, оғзини тўлдирган йирик оқ тишлари ҳаддан ташқари кўпдек туюлади.

Йўлбошчи хоним Аббос билан ўз тилида уч-тўрт оғиз гапиришиб олди-ю, кейин бизга юзланди:

— Аббос ўн ёшидан бери отаси билан балиқ овлайди. Бултур океанда буни акула еб қўйишига сал қолган.

Йўл бошловчи хонимнинг гаплари бизни жуда қизиқтириб қўйди. Биз бу воқеанинг тафсилотларини сўрай бошладик.

Аббос бизни океан яхшироқ кўринадиган яланг тепаликка олиб чиқди-да, жануб томонни кўрсатди ва бошидан кечирган ҳодисани ўз тилида ҳикоя қилиб бера бошлади. Тилмоч унинг гапларини бизга таржима қилиб турди.

Маълум бўлишича, бултур Аббоснинг отаси касал бўлиб ётиб қолади. Учта укаси бор экан. Тирикчиликлари балиқ ови билан ўтар экан. Битта кичик қайиқлари бор экан. Шу вақтгача Аббос океанда доим отаси билан бирга ов қилар экан. Энди касал отаси ва укаларини боқиш учун овга бир ўзи чиқадиган бўлибди. Бир кун Аббос ташлаган қармоққа жуда катта балиқ илинади. Аббос уни қайиққа тортиб чиқаришга кучи етмай қолади. Бу воқеа оролдан анча узоқда, улкан-улкан океан тўлқинларининг орасида юз берган экан. Қармоққа илинган балиқ куч билан силтаниб, Аббоснинг қўлидан чиқиб кетишга уринади. Аббос ўрнидан туриб кетади. Қайиқнинг четларига оёғини тираб, қармоқ ипини тутиб қолади. Бироқ унинг бутун оғирлиги қайиқнинг бир четига тушади. Шу пайт нарёқдан катта тўлқин келиб, қайиқни Аббос оёқ тираб турган томонга қараб кўтариб юборади. Бунинг устига сувдаги балиқ ҳам Аббосни қармоққа қўшиб яна бир силтаб тортади. Шунинг ҳаммаси бир бўлади-ю, қайиқ ағдарилиб кетади. Аббос сувга қулаб тушади. Қармоқнинг ипи қўлидан чиқиб кетади. Лекин бу йўғон капрон ипнинг бир учи қайиқнинг ўриндиғига маҳкам боғланган эди. Қармоққа илинган балиқ бари бир қутилиб кетолмайди. Сузишни яхши биладиган Аббос дарров сув юзига чиқиб, қайиғини тезроқ ўнглаб олишга урина бошлайди. Лекин тўнкарилиб ётган қайиқ анча оғир бўлади. Уни ағдариб қўйишга ўн беш яшар ўсмирнинг кучи етмайди. Сувга дурустроқ таяниб бўлмайди. Устма-уст келиб турган тўлқинлар ҳам халақит беради.

Аббос қайиқни ташлаб кетиши мумкин эмас. Камбағал оиланинг бор мулки мана шу қайиқ. Ташлаб кетганда ҳам, мана бу улкан тўлқинларни ошиб ўтиб, узоқдаги оролга эсон-омон етиб бориши амримаҳол, чунки бу сувларда очкўз акулалар кўп учрайди.

Аббос учун қайиқни ағдариб ўнглаб олишдан бошқа нажот йўқ. У сувда жон-жаҳди билан сузиб, қайиқни гоҳ у четидан кўтаради, гоҳ бу четидан кўтаради. Катта тўлқин келишини пойлаб туриб, унинг ёрдамида қайиқни ўнглашга интилади. Бўлмайди. Анча вақт шу аҳволда ўтади.

Бу пайт Аббос тўлқинлар орасида акуланинг учи ингичка тумшуғини ва силлиқ оқиш сузғичларини кўриб қолади. Бу денгиз йиртқичи аввал қармоққа илинган балиққа чанг солади. Аббос қочиб қайиқнинг нариги томонига ўтади. Шунда у сувни кўпиртириб тез сузиб келаётган яна битта акулани кўради. Иккитаси келган жойга учинчи-тўртинчи акула келиши аниқ. Акулаларнинг биттаси ўлжа топиб ея бошласа, бошқалари бунинг ҳидини жуда узоқдан сезадилар. Қармоқдаги балиқ уларнинг ҳаммасига етмайди. Кейин навбат Аббосга келади...

Аббос акулаларга қандай ем бўлишини кўз олдига келтиради-ю, ағдарилиб ётган қайиққа тирмашиб, унинг устига чиқа бошлайди.

Шу пайт қайиқ атрофидаги сув қайнаб кетгандай бўлади. Яна бир тўда йирик-йирик балиқлар сузиб келади. Аббос буларни ҳам акулалар деб ўйлайди. Бири-биридан катта балиқлар сувни кўпиртириб, шапир-шупур олиша бошлайди. Шунда Аббос сув юзига сапчиб чиққан каттакон бир балиқнинг дельфин эканини кўради. Дельфин юқоридан отилиб тушиб, бир акулани думи билан шундай урадики, акула гангиб, бўшашиб, ён томонга қийшайиб қолади.

Дельфинлар тўдаси акулаларникидан каттароқ эди. Улар қайиқнинг ёни-верида акулалар билан олишмоқда эдилар. Бу олишув пайтида акулалардан бири дельфинлар тўдасидан қочиб келиб, ўзини қайиққа шундай куч билан урадики, қайиққа ёпишиб турган Аббос сувга учиб кетади. Қайиқ эса акуланинг зарбидан нариги ёнига ағдарилди-да, юз томони юқорига чиқиб, тўсатдан ўнгланиб қолади.

Аббос сув юзига шўнғиб чиқиб қараса, қайиқнинг ичига анча сув кирган, лекин ўзи аслига қайтиб тўғриланиб қолган. Аббос дарров қайиқнинг устига чиқиб олади. Ҳушини йиғиб қараса, дельфинлар акулаларни қувиб кетяпти. Сув ичида ўлган битта акула юзага қалқиб чиқади.

Бу олишувда капрон ип ҳам узилган, қармоққа илинган балиқ қўлдан кетган эди.

Лекин Аббос ўзининг омон қолганидан суюнади.

У дельфинларнинг одамларга дўст экани ҳақида илгари яхши гаплар эшитган эди. Энди бу гапларнинг бечиз эмаслигини ўз кўзи билан кўрди.

Бу ҳикояни эшитганимиздан кейин ёш балиқчи Аббосга биз жуда қизиқиб қолдик.

— Ҳали ҳам балиқчилик қиласизми, Аббос? — деб сўрадик ундан таржимон орқали.

— Ҳа, балиқчилик менинг ота касбим. Мана бу ерда тахтиравон кўтариб пул топишдан кўра... очиқ океандан балиқ овлаш яхши-да.

— Акулалардан энди қўрқмайсизми?

— Қўрқмайман, чунки океанда дельфинлар ҳам бор.

Бизга бу жасур йигитчанинг сўзлари ҳам маъқул тушиб, уни жуда ёқтириб қолдик. Биримиз унга эсдалик учун Москва ва Тошкент тасвирланган откриткалар, значоклар бердик. Биримиз унинг бошига ўзбекча дўппи кийдирдик.

Аббос қувониб ва ҳаяжонланиб ўз тилида бир нарсалар деди. Йўлбошловчи хоним унинг сўзларини бизга таржима қилиб берди:

— Аббос айтдики, океан ортидан бизнинг оролимизга келадиган пулдор текинхўрлар бор. Улар менга ҳужум қилган акулаларга ўхшайди. Лекин сиз, совет кишилари, бизга доим яхшилик истайсизлар, шунинг учун сизларни кўрганда мен ўша акулаларни енгган дельфинларни эслайман.

Биз Аббос билан хайрлашиб орол қирғоғига туша бошладик. Зинапояда яна пулдор бойларни тахтиравонга солиб юқорига кўтариб чиқаётган ҳаммоллар учради. Лекин мен энди уларни эмас, мағрур ва жасур йигитча — Аббосни ўйлаб борардим...

Пиримқул ҚОДИРОВ.

---

1) Тахтиравон — «юриб борувчи тахт» дегани. Уни тўрт киши тўрт дастасидан олиб кўтаради.

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ

МАЙЛИ ҚЎЧҚОРОВ — Самарқанд область, Пастдарғом районидаги Карл Маркс номли колхоз бригадири.

МАҚСУДАХОН КАРИМОВА — Фарғона область, Фарғона районидаги Димитров номли колхоз бригадири.

ОМОН ТУРСУНОВ — Самарқанд область, Самарқанд районидаги «Москва» колхозининг сабзавотчиси.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ТЕРМИЗ, 26 декабрь. (ЎзТАГ). Сурхондарё область партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленумида КПСС Марказий Комитети 1973 йил декабрь Пленумининг якунлари ва область партия ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди.

Область партия комитетининг биринчи секретари Н. М. Мурōдов, Термиз шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Тожиддинов, Денов районидаги Ульянов номли колхоз раиси Н. Султонмуродова, қўриқ ердаги «Дўстлик» совхозининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ш. Қудратов ва сўзга чиққан бошқа нотиқлар партия Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюросининг фаолиятини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумида сўзлаган нутқида баён қилинган қоида ва хулосаларни қизғин маъқулладилар.

Пленум қатнашчилари область меҳнатчилари беш йилликнинг учинчи йилида социалистик мусобақада катта муваффақиятларга эришганликларини таъкидлаб ўтдилар. Пахтадан мўл ҳосил етиштирилди, саноат маҳсулотини реализация қилиш йиллик плани муддатидан илгари бажарилди. Шу билан бирга, нотиқларнинг таъкидлаб ўтишича, область экономикасини ривожлантириш соҳасида ҳали катта-катта резервлар фойдаланилмасдан қоляпти.

Область партия ташкилоти ана шу резервларни ишга тушириб, халқ хўжалиги ва маданиятни янада юксалтиришга эришишни келгуси йилдаги ўзининг асосий вазифаси деб билади.

* * *

ГУЛИСТОН, 25 декабрь. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Сирдарё область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми якунлари ва область партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилди.

Область партия комитетининг биринчи секретари Қ. А. Аҳмедов, Гулистон районидаги «Октябрь» колхозининг раиси М. Номозов, Жиззах район партия комитетининг биринчи секретари Э. Исломов, «Голодностепстрой» бошқармасининг бош инженери В. Ф. Маховиков ва бошқа нотиқлар областда беш йиллик топшириқлари бажарилишининг боришини ҳар томонлама анализ қилиб бердилар, ички резервлардан тўлароқ фойдаланишнинг муҳимлигини таъкидладилар.

Пленум якдиллик билан қабул қилган қарорда КПСС Марказий Комитети, Марказий Комитет Сиёсий бюроси, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия XXIV съездининг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги қарорларини амалга ошириш борасидаги амалий фаолиятини батамом ва тўла-тўкис маъқуллади, ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми қарорларини дастуриламал сифатида ва сўзсиз ижро этиш учун қабул қилди.

Пленум Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш юзасидан социалистик мусобақани янада авж олдириш соҳасида область партия ташкилотининг вазифаларини белгилади.

ГРАЖДАН МУДОФААСИ БИЛИМЛАРИ ПРОПАГАНДАСИГА БАҒИШЛАБ

25 декабрь куни Москвада граждан мудофааси штаблари пропаганда ходимларининг кенгаши иш бошлади.

Кенгашни СССР граждан мудофааси бошлиғи, СССР мудофаа министрининг ўринбосари генерал-полковник А. Т. Алтунин очди.

СССР граждан мудофааси бошлиғининг сиёсий қисм бўйича ўринбосари генерал-полковник В. А. Греков граждан мудофааси билимларини пропаганда қилишни кучайтириш вазифалари тўғрисида доклад қилди.

(ТАСС).

УНВОНЛАР МУБОРАК!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

А. С. ШУВАЕВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН БИНОКОР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш соҳасидаги катта хизматлари учун, кўп йиллик, самарали меҳнат фаолияти учун ҳамда туғилган кунига етмиш йил тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қурилиши ва ундан фойдаланиш министрлигига қарашли «Узгипроавтодор» лойиҳалаш институтининг бош инженери Александр Семёнович **Шуваевга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА.

1973 йил, 25 декабрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

З. ОБИДОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек совет адабиёти соҳасидаги хизматлари учун шоир Зоҳиджон **Обидовга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА.

1973 йил, 25 декабрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

А. И. ИСМОИЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республика нефть саноатида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлганлиги муносабати билан «Ўзбекнефть» бирлашмасининг бошлиғи Азиз Исмоилович **Исмоилов** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА.

1973 йил, 25 декабрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Т. Ф. НИГАЙГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИНЖЕНЕР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали меҳнат фаолияти, Фарғона тўқимачилик комбинатини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ва тарбиялаш ишига шахсан катта ҳисса қўшганлиги учун Дзержинский номли Фарғона тўқимачилик комбинатининг бош инженери Трофим Федорович **Нигайга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА.

1973 йил, 25 декабрь.
Тошкент шаҳри.

ТАСС АХБОРОТИ

«МОЛНИЯ-2» УЧИРИЛДИ

Ернинг сунъий йўлдошларидан фойдаланиб алоқа системаларини янада ривожлантириш программасига мувофиқ 1973 йил 25 декабрда Совет Иттифоқида «Молния-2» алоқа йўлдоши баланд эллипс орбитага учирилди. Бу йўлдошга ўрнатилган ретрансляция қилувчи аппаратлар алоқа системасининг тўлқинларни сантиметр диапазонида ишлашни таъминлайди.

«Молния-2» алоқа йўлдоши Совет Иттифоқида олис телефон-телеграф радио алоқа системасини ишлатиб туришни, СССР Марказий телевидениесининг программаларини, «Орбита» ва халқаро ҳамкорлик шаҳобчалари пунктларига узатишни таъминлайди.

Йўлдош чиқариб қўйилган орбитанинг шимолий ярим шарда энг юқори нуқтаси (апогейи) 40.865 километр ва жанубий ярим шарда ерга энг яқин нуқтаси (перигейи) 466 километр.

Йўлдошнинг Ер атрофини айланиб чиқиш даври — 12 соат 17 минут, орбитанинг оғиши — 62,8 градус.

Йўлдош бортида телевидение программаларини узатиш ва кўп каналли олис радио алоқаларини амалга ошириш учун керакли аппаратлардан ташқари команда — ўлчов комплекси аппаратлари, шунингдек орбитани йўллаб, тўғрилаб турадиган, ва йўлдошни энергия билан таъминлайдиган система ҳам ўрнатилган.

«Молния-2» йўлдоши орқали алоқа сеанслари мўлжаллаб қўйилган программага мувофиқ ўтказиб турилади.

МАРОҚЛИ КЕЧА

Яқинда Тошкент қишлоқ хўжалик институтида тўққизинчи беш йилликнинг учинчи йили якуни ва ўқув-тарбия ишларининг самараси ҳақида кеча бўлиб ўтди. Унда институт ўқитувчи-профессорлари, кафедра мудирлари, декан ва студентлар қатнашди.

Кечада институт ректори, В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг мухбир-аъзоси, биология фанлари доктори, профессор А. Имомалиевнинг суҳбати тингланди. Институт ёшлари ютуқ ва режалар ҳақида ўртоқлашдилар.

Кеча охирида СССР Давлат мукофотининг лауреати Мукаррама Турғунбоева раҳбарлигидаги «Баҳор» рақс-ансамбли ҳамда ҳаваскорлар катта концерт беришди. Кеча студентларда илиқ таассурот қолдирди.

Р. АБДУЛЛАЕВ.

ЮКСАК УЮШҚОҚЛИК ВА ЖАНГОВАРЛИК

ДЕҲҚОНОБОД РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Партия конференцияси олдидан районнинг энг ҳурматли чорвадорлари — Мамат Абдимуродов, Амиролим Эшбоев ва Ҳафиз Қаршиевлар билан суҳбатлашдик. Меҳнат билан элга танилган, ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларга эришганлиги ва актив жамоатчилик фаолияти туфайли Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан тақдирланган, область ва район партия комитетларига аъзо қилиб сайланган бу кишилар район партия ташкилотининг ҳисобот давридаги фаолиятидан ниҳоятда мамнун эдилар. Гап мавзуи ишлаб чиқаришга партиявий раҳбарлик масаласига кўчганда Мамат ака кўпчиликнинг дилидаги гапни айтди:

— Район ташкил этилганидан буён хўжаликларга партиявий раҳбарлик кучайди. Кадрлар масаласи билан астойдил шуғулланиладиган бўлиб қолди. Коммунистларнинг активлигини ошириш ва ташаббускорлигини кучайтириш учун олиб борилаётган ишлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга мустаҳкам замин яратаётир. Совхозлар йилдан-йилга кўпроқ маҳсулот тайёрлаб, иқтисодий жиҳатдан юксалиб бормоқда.

Оддий коммунист М. Абдимуродовнинг бу фикр ва мулоҳазалари район партия комитетининг биринчи секретари Я. Иноятовнинг конференцияга қилган ҳисобот докладида ҳам, музокарада сўзга чиққан нотиқларнинг гапларида ҳам ўз аксини топди. Зотан, район партия комитети фаолиятининг ана шу жиҳатлари эришилган муваффақиятларга ҳал қилувчи омил ва мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қилмоқда.

Деҳқонобод — Қашқадарё областининг кенжатой районн. Қайта ташкил этилганига энди учинчи йил тўляпти. Дастлаб иш бошланганида унинг таркибига кирувчи хўжаликларнинг аксарияти анчагина камқувват эди. Кўпгина соҳаларда план ва топшириқлар сурункасига бажарилмай келар, чорва қишлови жуда оғир ўтар эди.

Ҳисобот даврида райондаги колхозлар йириклаштирилиб, совхозларга айлантирилди. Зиммаларидаги вазифани муваффақиятли ўтаб келаётган ишбилармон ташкилотчи коммунистлардан 110 киши ва 320 комсомол аъзоси чорвачиликка жалб этилди. Улар чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, сув таъминотини яхшилаш, зооветеринария хизматини жонлантириш, яйловларнинг ҳосилдорлигини ошириш, наслчилик ишларини йўлга қўйишда бош-қош бўлдилар. Ҳозир хўжаликлар тараққиётнинг кенг йўлига тушиб олган. Чорвачилик рентабель соҳага айланди. Ўтган йили район бўйича бу соҳадан 4 миллион 800 минг сўм даромад қилинган бўлса, бу йил 5 миллион 75 минг сўм даромад олиш мўлжалланаётир. Кейинги уч йил мобайнида гўшт етиштириш 18 процент, тухум етиштириш уч баравар кўпайди. 1973 йилда ҳар юз бош совлиқ ҳисобига ўтган йилдагига нисбатан 21 тадан кўп, яъни 113 тадан қўзи олинди, давлатга дон етказиб бериш 7342 тоннага етди.

Хўжаликлар ва бригадалараро, шунингдек ишчи ва хизматчилар ўртасида беш йиллик планларни муддатидан олдин адо этиш юзасидан социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Бунда КПСС XXIV съезди қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «1972-1973 йил қиш фаслида чорвадорлар ўртасида социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги қарори» ҳаракат йўлланмаси бўлиб хизмат қилмоқда. Мусобақада «СССР 50 йиллиги» совхози чорвадорлари айниқса катта меҳнат зафарларини қўлга киритдилар. Рашид Жабборов, Ашир Сатторов, Раҳмат Маликов, Отабой Беккулов каби кўплаб чўпонлар энг юқори меҳнат кўрсаткичларига эришиш билан ўз касбдошларига намуна кўрсатаётирлар.

Деҳқонобод коммунистларининг фахрланишга арзигулик ишлари кўп. Аммо, ҳозирги вақтда партиямиз қўяётган талаб шундайки, эришилган ютуқлар билан хотиржам бўлиб қолиш мумкин эмас. Конференция давомида районнинг истиқболи ва район партия комитетининг ташкилий-партиявий ишлар савиясини янада юқори кўтариши билан боғлиқ бўлган масалаларга худди ана шу нуқтаи-назардан туриб ёндашилди.

Тўғри, район хўжаликларининг экономикаси йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Аммо, ҳалигача районда шундай коллективлар ҳам учраб турадики, улар табиий шароити ва техника таъминоти бир хил бўлгани ҳолда тамомила турлича иш натижаларига эришмоқдалар. «Ленинизм» совхози 1971 йилдан буён давлатга гўшт, жун, қоракўл тери, тухум топшириш планларини бажармай келаётир. Ҳар юз бош совлиқдан 200 тага етказиб қўзи олаётган чўпонлар билан биргаликда шу кўрсаткичнинг ярмига ҳам эришмаётган чорвадорлар бор.

— Районимиз территорияси жуда кенг, — деди музокарада сўзга чиққан «Кўкбулоқ» совхози партия ташкилотининг секретари **Ҳуррам Бобоев**. — аммо, бу ерлардан самарали фойдаланиш ҳақида кам ўйлаяпмиз. Партия ташкилотлари мавжуд резервлар ва имкониятлар ни ишга солишда ўз таъсир кучидан фойдаланмаётир. Районимизда беда уруғи ва тамаки етиштиришни олайлик. Бу соҳадаги планлар мунтазам бажарилмаётир. Ҳолбуки, беда уруғи ва тамаки етиштириш ниҳоятда сердаромад соҳа. Буни совхозимиз мисолида ҳам кўрса бўлади. Бу йил хўжалигимиз 75 тонна беда уруғи тайёрлаб, 750 минг сўм даромад қилди. Тамакидан ҳам ёмон ҳосил кўтармадик. Ўйлайманки, уруғ учун экиладиган бедазорлар ва тамаки майдонларини кескин кўпайтириш керак.

«СССР 50 йиллиги» совхозининг бўлим бошқарувчиси **Йўлдош Олимов**, «Деҳқонобод» совхози партия ташкилоти секретари **Ўнгбой Ҳайитов** ўртоқлар ҳам ўз сўзларида яйловдан унумли фойдаланишга алоҳида тўхтаб ўтдилар. Улар эчкичилик ва эчки жуни тайёрлаш ишлари яхши йўлга қўйилмаганлигини танқид қилдилар. Ҳолбуки, эчкиларни бошқа моллар юролмайдиган тоғ ва қирларда ҳам боқиш мумкин. Улар сабзавот маҳсулотлари ҳамда қовун-тарвуз етиштиришни кўпайтириш, лалмикор ерларда боғ-роғларни кенгайтириш ҳақида ҳам конкрет таклиф ва мулоҳазалар айтдилар.

Районда қурилиш кўлами йилдан-йил кенгайиб бормоқда. 1972 ва 1973 йилларда жами 125 километр янги йўл қурилди. 25 километр йўл асфальтланди. Район маркази ва «Кўкбулоқ» совхозида 116 оилага мўлжалланган уй-жой қуриб битказилди. Жами 100 ўринлик иккита касалхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. 536 ўринли мактаб биноси ҳадемай ўқувчиларни қабул қилади. Аммо, ҳали қурилиш соҳасида бажарилиши лозим бўлган жуда кўп ишлар навбат кутиб турибди. Ҳалигача район маркази билан «Кўкбулоқ» совхози ўртасида телефон алоқаси йўлга қўйилмаган. Бу совхоз қишлоқларини электрлаштиришни тезлаштириш лозим. Чорва молларни сув билан етарли таъминлаш учун Дакки еrости сувини чиқариш, артезиан қудуқлар қазиш суст бормоқда.

Конференция қатнашчилари — Усмон Юсупов номли совхоз директори **Тошқул Ҳожиқулов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмаси бошлиғи **Раҳматулла Юсупов** ўртоқлар район партия комитети бу масалада актив иш олиб боришини, уни ҳал этишда областдаги тегишли ташкилотлар зарур ёрдам кўрсатиши лозимлигини таъкидладилар.

«Оқработ» совхози устахонасининг мудири **Бакир Жўраев** конференция делегатлари эътиборини маданий-маиший хизмат кўрсатиш иши яхши йўлга қўйилмаганлиги масаласига қаратди.

— Район матлубот жамияти кўчма дўконлар билан савдо қилишни кенг йўлга қўймаётир. У ҳалигача чорвадорлар орзиқиб кутадиган азиз меҳмон бўлиб қолмоқда. Хўжаликларга газета-журнал ва хат-хабарлар вақтида етиб бормайди. Кигиз ўтовлар ҳақида ҳам гапириб ўтмоқчийдим. Қашқадарё — республикамизнинг энг йирик чорвадор областларидан. Шуни инобатга олиб область ташкилотлари кигиз ўтовни саноат йўли билан тайёрлаш масаласини ўйлаб кўрсалар маъқул бўлар эди.

КПСС Марказий Комитетининг 1972 йил Май пленумидан сўнг партия ҳужжатларини алмаштириш муносабати билан бошланғич партия ташкилотларининг фаолияти чуқур таҳлил қилиб чиқилди. Коммунистларнинг активлиги ва интизомини кучайтириш, партиянинг ички ҳаётини активлаштириш, омма орасидаги ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишларни такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Шу билан бирга коммунист деган улуғ номга номуносиб иш тутаётган, ўз хизмат вазифаси ва жамоатчилик топшириқларига эътиборсизлик билан қараётган коммунистларга нисбатан ҳатто КПСС сафидан чиқаришгача қаттиқ жазо чоралари кўрилмоқда. «Ленинизм» совхозининг ферма мудирлари Тўқсон Хўжаёров ва Эсон Эрдонаев ўз ишларига масъулиятсизлик билан қараганликлари натижасида кўплаб чорва моллар нобуд бўлди. Район партия комитети уларга нисбатан энг оғир жазо — КПСС сафидан чиқариш жазосини қўллашга мажбур бўлди.

Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари партияга кирувчиларга нисбатан талабчанликни ошириш билан бирга КПСС сафига ишчилар ва зиёлиларнинг энг яхши вакилларини танлаб олишга катта аҳамият бермоқдалар. Бунда кишиларнинг сиёсий, ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари ниҳоятда синчиклаб ўрганилмоқда. Ҳозир район партия ташкилоти ўз сафига 1178 КПСС аъзосини ва аъзоликка кандидатни бирлаштирган. Шулардан ишчилар 490 кишини, хотин-қизлар 136 кишини ташкил этади. Ҳисобот даврида 89 киши КПСС аъзолигига қабул қилинди. Уларнинг аксарияти бевосита ишлаб чиқариш билан банд бўлган кишилардир.

Лекин райондаги баъзи партия комитетлари ва цех партия ташкилотларида партия сафининг ўсиши етарли назорат қилинмаётир. «Кўкбулоқ» совхозининг 5-бўлим бошланғич партия ташкилоти кейинги уч йил мобайнида бирор кишини ҳам КПСС сафига қабул қилмаган. «Оқработ» совхози партия комитети чўпон ва механизаторлардан КПСС сафига қабул қилишга масъулиятсизлик билан қарамоқда.

Конференцияда район партия комитети фаолиятининг бошқа энг муҳим томонлари ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Конференция район партия комитетининг ҳисобот давридаги фаолиятини қониқарли деб топди ва ҳисобот доклади юзасидан резолюция қабул қилди. Конференция райкомнинг янги составини, ревизия комиссиясини ва область партия конференциясига делегатлар сайлади. Район партия комитетининг ташкилий пленумида райкомнинг биринчи секретари қилиб **Я. Иноятов**, секретарлари қилиб **А. Тожиев** ва **Х. Ҳожиқулов** ўртоқлар сайландилар.

С. МУҲИДДИНОВ,
П. ГАДОЕВ.
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

ЭЛГА ЁҚҚАНИ — БИЗГА ЁҚҚАНИ

Азизжон саноат моллари магазинидан ўғлига қишлик кийим кечак харид қилди-ю, пойафзал сотиб олмаганлигини эслаб қолди.

— Анави, бичими кетворган туфлини кўрсатинг-чи, — мурожаат қилди сотувчига. — Ўзиям Прагадан импорт қилинган бўлса керак.

Сотувчи жилмайиб қўйди. Азизжон туфлини мароқ билан кўздан кечиргач, тамғаси босилган фабриканинг номига кўзи тушиб қолди:

— Ие, ўзимизнинг Янгийўлдан экан-ку!

Дарахтнинг учи бекорга қимирламаганидек, бу гапда ҳам жон бор эди. Янгийўл пойафзал фабрикаси ишчи-хизматчилари йил бошида имкониятларини сарҳисоб қилиб кўриб, пойафзаллар сифатини яхшилашга ваъда беришган эди. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб аҳоли дидига мос маҳсулотлар ишлаб чиқаришга киришиб кетди. Ўтган ойлар ичида фабрика қудрати ошди, пойафзал турлари кўпайди, маҳсулот сифати яхшиланди. Улар йил охиригача пландан ташқари 160 минг сўмлик маҳсулот ёки 37 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқариш, юз минглаб квадрат дециметр материалларни тежаш, кўзда тутилганидан 15 минг сўм кўп фойда олиш ва 35 та янги пойафзал турини ишлаб чиқариш синовидан ўтказиш аҳди билан ишлашмоқда.

Ғалвир сувдан кўтарилишига ҳам оз вақт қолди. Буни яхши назарда тутган фабрика коллективи социалистик мусобақани кенг қанот ёздирмоқда, куч ва имкониятлардан иложи борича самаралироқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Масалан, фабрикада цехлараро ва участкалараро йўлга қўйилган мусобақа ишлаб чиқаришда хом ашёлардан тежаб-тергаб фойдаланиш илғор тажрибаларга суяниб иш кўриш, бракчиларга қарши кескин курашиш ва меҳнат унумдорлигини оширишда асосий омил бўлиб хизмат қиляпти. Фабрика маҳаллий комитети ҳар ойнинг охирида социалистик мусобақанинг бориши тўғрисида цех, участка бошлиқларининг ҳисоботларини эшитиб турибди. Ғолиб цех фабрика кўчма Қизил байроғи ва 200 сўм пул мукофоти билан тақдирланса, мусобақада ютиб чиққан участкага кўчма вимпел ҳамда 50 сўм пул мукофоти бериб борилади. Т. Сирожиддинов, А. Ерхўжаев бошлиқ смена азаматлари ишлаётган 5-цех бундай мукофотга беш марта сазовор бўлди. Бу цех коллективи фабриканинг кўзгуси ҳисобланади. Шу цехни айландик. Темирчининг қўлида темир минг хил деталга айланганидек, пойафзалчилар қўлидан қўлига ўтаётган шапалоқдек оддий чарм ҳам «йўрғакланар», қолипга кийгизилар, елимланар, чоклари тикилар, жилоланар ва «дазмолланарди». Тайёр бўлган пойафзални қўлга оламиз. Рассом биргина оригинал расм чизиш учун қанчадан-қанча вақтини бахшида этади: излайди, изланади, бир неча эскизларни йиртиб ташлайди, хуллас, тасвирламоқчи бўлган манзаранинг ҳар бир бўёғи, ҳар бир чизиғи устида бош қотиради. Ижодий маҳсули элга манзур бўлса, бу унинг бахтидир. Пойафзалчи меҳнатининг ҳам шунга ўхшаш машаққатли ва мароқли томонлари бор. У бундай ишни фақат коллектив бўлиб амалга оширади. Фабрикада коллектив шаъни учун, эл олқишига сазовор бўлиш учун кураш нафаси ҳамма вақт сезилиб туради. Айниқса, Л. Чернишова бошлиқ чақалоқлар пойафзали ишлаб чиқариш участкаси коллективи мақтовли ютуқларни қўлга киритмоқда. Участка пойафзалчилари бир неча ойдан бери фабрика кўчма вимпелини қўлдан бермай келади. Бу азаматлар ойлик планларини ошириб бажаришмоқда.

Дилда бўлсагина тилга келаркан. Йил бошида социалистик мажбурият қабул қилинаётганда ҳар бир пойафзалчининг дилида катта орзулар туғилган эди. Мана шу орзулар рўёбга чиқиб фабрика ҳаётида ўз ўрнини топмоқда. Тўққиз ойлик сарҳисоблар шуни кўрсатдики, пойафзалчилар планга қўшимча 127 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришган. Бу — 17 минг 600 кичкинтой пойафзал билан таъминланди, деган сўздир. Тежаб қолинган юмшоқ чарм моллари 485 минг квадрат дециметрни ташкил этди. Йил охиригача мўлжалланган 35 та янги пойафзал турини ўзлаштириш топшириғи бажариб бўлинди.

Фабрика директори Ф. Тегайдан эришилаётган ютуқларда яна қандай тадбирларнинг қўл келаётганлиги ҳақида сўраганимизда, у шундай деди:

— Ютуқларга осонлик билан эришиб бўлмайди, албатта. Тома-тома кўл бўлур деб бекорга айтилмаган. Шундай бўлгач, ҳар бир ишчи-хизматчининг эришган ютуғи умумий муваффақиятимиз ифодасидир. Пойафзалчи энг аввало ўз касбини ардоқлаши, севиши керак. Меҳнат муҳаббатни ёқтиради. Ихлос билан, меҳр билан қилинган иш эса ҳаммавақт салмоқли, самарали бўлади.

Фабрика маъмурияти пойафзалчиларга етарли қулайликлар яратиб беряпти. Бу йил ишлаб чиқаришимиздан муносиб ўрин олган ўндан ортиқ янги дастгоҳ фикримиз далилидир. Бу дастгоҳлар меҳнат унумдорлиги, иш вақти ва маҳсулот сифатига ижобий таъсир кўрсатди. Ҳозирда 8 тур пойафзал давлат «Сифат белгиси» тамғаси остида чиқаётганлиги ютуқларимизни кўз-кўз қилиб турибди.

Тиришган тоғдан ошар, деган гап ҳақ экан. Фабрикада ўз касбини эъзозлаб, белгиланган марраии аллақачон ишғол қилган пойафзалчилар кўп. 205 киши 1974 йил ҳисобига, 76 киши 1975 йил ҳисобига ишлаётганлиги фикримизни қувватлаши мумкин. О. Йўлдошева, Л. Жугелова, О. Икматова, Ғ. Фозиловлар тўққизинчи беш йиллик топшириқларини бажариб қўйганлардан. Булардан ташқари яна 20 ишчи беш йиллик маррасини уч йилда эгаллашга интилиб, меҳнат отига қамчи босишяпти. Бу илғорларнинг шиори битта: тез ва соз ишлаш. Шундай шиор остида фидокорона меҳнат қилаётганлар сафи кун сайин ўсиб боряпти. Ҳалол меҳнат уларни элга танитяпти. Шуни айтадилар-да — олтин ўтда — одам меҳнатда билинади, деб.

А. МАННОПОВ,
Э. ЭРНАЗАРОВ.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

журналининг декабрь сони «Халқаро муносабатлар ва идеология кураши» сарлавҳали бош мақола билан очилади.

«Идеология, маданият» бўлимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. Салимов «Халқ маорифини янада такомиллаштириш учун» сарлавҳали мақоласи билан қатнашган.

«Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги олдидан» рубрикаси остида Ўзбекистон КП Қорақалпоғистон обкомининг биринчи секретари Қ. Камоловнинг «Социалистик миллатларнинг қардошларча ҳамдўстлигида» сарлавҳали мақоласи босилган.

«Тўққизинчи беш йилликнинг социал-иқтисодий проблемалари» рубрикаси остида «Социалистик меҳнат интизоми ва топширилган иш учун масъулият» сарлавҳали редакцион мақола, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг колхозлардаги қурилиш бўйича Давлат-кооператив бирлашмаси раиси, техника фанлари кандидати С. Омеровнинг «Қишлоқдаги қурилишнинг янги марралари», иқтисод фанлари кандидати Ҳ. Ҳабиқориев билан Ўрта Осиё озиқ-овқат саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик институтининг инженер-экономисти И. Қодировларнинг «Мой-ёғ саноатида иш вақтидан самарали фойдаланайлик», В. М. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг аспиранти Ҳ. Мамедовнинг «Маиший хизматни янги вазифалар даражасига кўтарайлик» сарлавҳали мақолалари ёритилган.

Булардан ташқари, «Партия ўқуви системаси пропагандистлари ва тингловчиларига ёрдам», «Танқид ва библиография» бўлимларида ҳам кўпгина қизиқарли материалларни ўқиш мумкин.

ИШЧИ ВА ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИНИНГ СЛЁТИ

БУХОРО, 25 декабрь. (ЎзТАГ). Бу ерда областдаги ишчи ва қишлоқ мухбирларининг слёти бўлиб ўтди. Слёт қатнашчилари КПСС XXIV съезди талаблари асосида ишчи ва қишлоқ мухбирларининг вазифаларини муҳокама қилдилар, орттирган тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Слётда Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Муртазоев нутқ сўзлади.

ДЕҲҚОН ЎҚУВИ

Сирдарё областидаги қишлоқ агрозоотехника таълими системасида машғулотлар бошланди. Қиш мавсумида неча минглаб пахтакорлар, ғаллакорлар, чорвадорлар, механизаторлар илғор тажриба мактабларида, тўгаракларда, курсларда ўз билимларини оширадилар. Ҳар икки деҳқоннинг бири ўқийди.

Қишлоқ хўжалиги билимлари етти университетнинг ҳаммасида машғулотлар уюшқоқлик билан бошланди. Пахтачилик ва трактор бригадаларининг бошлиқлари, илғор комбайнчилар, пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари шу университетларнинг тингловчиларидир.

Гулистон.
(ЎзТАГ мухбири).

Гулистондан олинган хабарни Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигида ЎзТАГ мухбирига қуйидагича шарҳлаб беришди:

Республика қишлоқларида қиш фаслида ўқиш бошланди. Иқтисодий таълим мактабларининг тингловчилари ўқишга киришдилар.

Бу мактаблар деҳқонларга ғоят манзур бўлиб қолди. Ҳозир ана шу мактабларда 218 минг киши ўқимоқда. Машғулотлар қишлоқ хўжалиги экономикаси ва уни ташкил қилиш асосларини ўрганишни кузатувчи программа асосида олиб борилмоқда.

Совхоз бўлимларининг бошқарувчилари, район қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг бошлиқлари ўқиш учун Тошкент қишлоқ хўжалиги институтига келишган. Улар январь ойи давомида олимлар ва мутахассисларнинг лекцияларини тинглайдилар Тошкент областидаги илғор колхоз ва совхозларнинг тажрибаси билан танишадилар, шу хўжаликларнинг 1973 йилги ишларини таҳлил қиладилар.

Совхозларнинг кўпгина директорлари, колхозларнинг раислари, механизатор инженерлар ва мелиораторлар ҳам қиш мавсумида Тошкент Қишлоқ хўжалик институтида ва Тошкент ирригация, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институтида таълим оладилар. Улар ўз профессионал маҳоратларини оширадилар, назарий билимларини кўпайтирадилар. Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш техникумларида пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги комплекс механизациялашган бригадаларнинг раҳбарлари малакасини ошириш курслари очилмоқда. Яқинда республика илғор тажриба мактабларининг ҳаммаси иш бошлайди.

Билим юртлари, техникумлар, мактаб ва курслар келгуси йил колхоз ва совхозлар учун ўн тўрт минг тракторчи, созловчи машинист, электрик, шофер ва бошқа мутахассислар тайёрлаб беради. Таркиб топган практикага мувофиқ «Ташсельмаш» заводида «зангори кема» механик-ҳайдовчиларидан катта бир группаси таълим олади.

Янги йил дастурхонига

ҚИШДА БАҲОР

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном, Ленин ордени кавалери Зайниддин Фахриддиновнинг номи республикамиздагина эмас, балки Иттифоқимизга ҳам машҳур бўлиб бормоқда. У етиштирган серҳосил лимон навлари қардош республикаларнинг хўжаликларида ҳам ўзига кенг йўл топди. Ҳозирги вақтда Зайниддин ака яратган «Юбилейная» деб аталган лимоннинг янги нав кўчатлари Туркманистон, Озарбайжон республикалари ҳамда Наманган области хўжаликларига юборилиб турилибди. Шунингдек қардош Белоруссия республикасининг Минск шаҳридаги теплица хўжалигига ҳам жўнатилмоқда.

Биз яқинда теплица хўжалигида бўлдик. Ташқарида қиш. Бу ерда эса баҳор нафаси анқийди. Теплица мисоли боққа ўхшайди. Лимонлар ғарқ пишган. Ҳар тупда 350-400 донадан лимон санашингиз мумкин.

— Бу узилган ҳосилнинг ярмисигина холос, — дейди Зайниддин ака. Ҳали ҳосил хазинаси очилганича йўқ...

Ҳақиқатан ҳам цитрусчи айтганидай Ленин номли теплица комбинатида олтин ранг лимонлар жуда мўл. Шу кунгача 30 минг дона лимон аҳоли дастурхонига етказиб берилди. 6 тонна помидор сотилди.

Комбинат ишчи-хизматчиларининг ниятлари катта. Улар 45 минг дона лимон. 45 тонна помидор, 4 минг туп лимон кўчати етиштиришга аҳд қилганлар. Ҳозиргача 2 минг тупга яқин лимон кўчати тегишли жойларга ўтказиш учун жўнатилди.

Қиш фасли пойтахт меҳнаткашлари помидор, бодринг билан таъминлаб турилади. Аҳрол Нажмиддинов, Мирҳолиқ Самандаров, Абсолиқ Мамараҳимов каби звено бошлиқлари, Пўлат Ражабов, Ёвмиддин Фахриддинов сингари резавор соҳибкорлар етиштирган маҳсулотлар кун сайин сероб бўлаётир. Улар янги йил дастурхонига 10 минг дона лимон, 8 тонна помидор, бодринг, минг тувак гул, икки минг сўмлик «Гладиолус», «Кала» навли гул, 800 килограмм редиска, укроп-петрушка тортиқ қилишмоқчи. Айни вақтда ана шундай маҳсулотларнинг дастлабки тонналари савдо ташкилотларига жўнатилди.

Орджоникидзе районидаги бу хўжаликда теплица комбинати йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Енгил типдаги плёнкадан ясалган теплица секцияларида кўп ва арзон ҳосил етиштирилмоқда.

— 10 гектар майдонда янги теплица қурилмоқда, — дейди Зайниддин ака, шунинг 4 гектари битказилиб, фойдаланишга топширилди. Эндиги мақсадимиз ана шу секцияларга лимон, помидор, бодринг, гул кўчатлари ўтқазишдир.

«Спецстрой»га қарашли ПМК-33 қурувчилари бу теплица комбинатини 1974 йилнинг охиригача батамом қуриб фойдаланишга топшириш учун ғайратга-ғайрат қўшиб ишламоқдалар.

И. РУСТАМОВ.
Ф. ИСАЕВ.

Тошкентнинг Қўйлиқ теплица комбинати хўжалиги миришкорлари янги йил дастурхонига атаб ноз-неъматларни узишни бошлаб юборишди. Суратда: хўжалик илғорларидан З. Мирзааҳмедова (олдинда) бодринг узмоқда.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ).

АХБОРОТ

ОЛМАОТАДАН ХАТ

БУЮРТМА АСОСИДА

Тошкент шампан виноси заводи қайта реконструкция қилиниб, кенгайтирилади. Олмаотадаги «Казгипропищепром» институти лойиҳачилари тошкентликлар буюртмаси асосида шампан виноси заводи учун мўлжалланган лойиҳа тузадиган бўлишди. Мазкур лойиҳа устида Х. Джуриниянц бошчилигидаги мутахассислар иш олиб бормоқдалар. Янги лойиҳада қуйиш ҳамда биохимия цехининг қайтадан тикланиши кўзда тутилган.

СИНАБ КЎРИЛДИ

Иссиқлик электрстанциялари ва ГРЭСларда фойдаланиладиган электрон бошқарувчи асбоб илк марта лаборатория шароитида синаб кўрилди. Янги стенд-аппаратни синаб кўриш учун Олмаотадаги «Южказэнергоремонт» инженерлик корхонасининг мутахассислари ҳозирлашди. Бундай аппарат ёрдамида турли ерлардаги электр энергия манбаларида созлаш ва кузатиш ишларини аниқ олиб бориш мумкин. Янги аппаратдан Ўзбекистон территориясидаги электр станцияларида ҳам фойдаланиш кўзда тутилган.

КИТОБ ФАБРИКАСИ

Қозоғистон пойтахтида улкан босмахона қурилиши бошлаб юборилди. Ҳозирги кунда республика корхоналарида жами 240 миллион босма қоғоз китоб нашр этилаётган бўлса, 1975 йилга бориб бу рақам 400 миллионга етади. 1980 йилга бориб, комплекс қурилиш ишлари ниҳоясига етказилади. Ўрта Осиёда энг йирик саналган бу корхона 420 киши ўқийдиган ҳунар-техника билим юртига ҳам эга бўлади.

Г. МАРАЛБОЕВ.

ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА

ЯНГИ „МЕҲМОН“

XVII асрда Ғарбда кенг тарқалган «Ажойиботлар тарихи» деб номланган бир тўпламда «Комета — бахтсиз ҳодисаларнинг ҳақиқий белгисидир. Ҳар доим Ой тутилиши ёки комета кузатилгач, кўп ўтмай даҳшатли ҳодисалар: қонли юришлар, урушлар, буюк монархларнинг ўлими, империянинг ағдарилиши, очлик каби ҳодисалар рўй бериб, дунё охири яқинлашганидан дарак беради», — дейилган эди.

Ҳозир бу айтилган гапларнинг бемаъни эканлиги ҳаммага маълум. Бир вақтлар кишиларда қўрқиш-ваҳима туғдирган осмон жисмлари эндиликда астрономларимиз томонидан кузатиб борилади. Хусусан, кометанинг кўриниши, қуёш ва ой тутилиш ҳодисалари кузатилган кунлар астрономлар учун тарихий ҳисобланади.

Осмон жисмлари ичида кометалар кузатувчи зиммасига бир қатор муаммоларни юклайди. Барча планеталар каби комета ҳам қуёш атрофида айланадиган осмон жисми эканлигини биринчи бўлиб И. Ньютоннинг шогирди Эдмунд Галлей аниқлаган эди. У бир неча асрлар давомида кузатилган комета материалларини ўрганиб, улар ичида 1531, 1607 ва 1682 йилларда кузатилган кометаларнинг орбиталари бир-бирига жуда мослигини аниқлаган эди. Бу комета даврий равишда Қуёшга яқинлашаётган (унинг атрофидан айланганлиги туфайли) битта комета бўлса керак, деб гумон қилган ва унинг навбатдаги Қуёшга яқинлашуви 1758 йилда кузатилади деб, уқтирган эди. Галлей янглишмаган эди: 1758 йилда у эслатган комета кўринди ва унга олим шарафи учун Галлей деб ном берилди. Галлей кометаси Қуёш яқинидан 1835 ва 1910 йилларда ўтди. Кометанинг навбатдаги Қуёш яқинидан ўтиши 1985 йилда рўй беради.

Ушбу мақолада коинотдан келаётган янги «меҳмон» — комета тўғрисида фикр юритамиз. Бу думли юлдуз шу йилнинг 7 мартида Гамбург обсерваториясининг ходими Любош Кохоутек томонидан объективининг диаметри 80 сантиметрли Шмидт телескопи ёрдамида аниқланди. Май ойида у Қуёшдан 15 астрономик бирлик масофада (бир астрономик бирлик 150 миллион километрга тенг) бўлди. Комета шу йилнинг 28 декабрида Қуёшга энг яқин масофада, ўз орбитасининг перигелий нуқтасидан ўтиб, Қуёшдан узоқлиги атиги 22 миллион километрни ташкил қилади. Ердан узоқлиги қарийб 165 миллион километрга етади. Ерга яқин келгандаги равшанлиги, дастлабки маълумотларга қараганда, Ойнинг биринчи чораги фазасидаги равшанлигига етади. Агар ҳисоблашлар аниқ бўлса, у ҳолда кометани кундузи ҳам кузатишнинг иложи бўлади. Тарихда кундузи кузатиш мумкин бўлган Кометалар 1843, 1882 ва 1927 йилларда қайд этилган.

«Меҳмон» кометани оддий, қуролланмаган кўз билан осмоннинг Жануби-шарқида дастлаб Ақраб юлдуз туркумида, сўнгра Қавс юлдуз туркумида уфққа яқин жойда эрталаб кўриш мумкин. Бу даврда кометани кузатиш учун шароит қулай эмас. Январь ойининг бошидан комета Қуёш botгач, кечки пайтда кўринади. Бу кузатиш учун жуда қулай Январда комета «думи»нинг узунлиги бир неча ўн даражани ташкил этади. Январда комета Жадди ва Далв юлдуз туркумлари бўйлаб ҳаракат қилади.

Февралнинг ўрталарига бориб, кометани оддий кўз билан кўриш қийинлашади. Кометани телескоп ёрдамида апрель ойи охиригача кузатиш мумкин. Хўш, бу комета астрономларга қандай янгиликлар беради деган савол туғилиши мумкин.

Аввало, кометанинг Ерга ва Қуёшга бу қадар яқин келиши жуда кам учрайдиган ҳодиса. Лекин у астрономлар учун жуда қадрли «меҳмон»! Кометалар табиати жиҳатидан муаммоларга бой осмон жисмларидан бири. У планеталар каби совуқ жисм ҳисобланиб, ўзидан нур чиқармайди. Қуёш нурларини қайтариши ҳисобига бизга кўринади.

Қизиғи шундаки, у планеталардан фарқли ўлароқ, Қуёшга яқинлашганда катталигини жуда тез оширади. Баъзан Қуёшдан бир неча марта катта бўлиб кетади. Айниқса, думининг ўсиши тез бўлиб, кунига миллион километрга чўзилиши мумкин. Комета қуёшга яқин келганда катталашади, шу билан бирга равшанлашади ҳам. Шу жиҳатдан уни бу даврда спектрал ўрганиш муҳим. Айрим элементларни, хусусан, дейтерий (оғир водород) ва гелийнинг кометада бор-йўқлигини аниқлаш унинг физик табиатини ўрганиш учун катта аҳамиятга эга.

Шуниси диққатга сазоворки, кометанинг дум қисми ҳар доим қуёшга тескари қараган бўлади. Бу ҳодиса Қуёш нурининг босими ва «Қуёш шамоли» дейилмиш Қуёшдан чиқаётган корпускуляр заррачалар оқими туфайли юз беради, деб тушунтирилади. Кометаларга тегишли бу ҳодисаларни чуқурроқ ўрганиш учун ҳозирги замон обсерваториялари қувватли телескоплар ва спектрографлар билан қуролланганлиги яъни олдинги кузатиш асбобларидан кескин фарқ қилиши билан муҳимдир.

Шу кунларда бутун ер юзи астрономлари фазодан келаётган «меҳмонни» «кутиб олиш»га катта тайёргарлик кўрмоқдалар. Хусусан, СССРда ва АҚШда Ердан кузатиш билан бир қаторда ер атмосферасидан ташқарига (стратосферага) телескоплар чиқариш билан (чунки у ерда кузатиш учун шароит қулай) ва Ернинг сунъий йўлдошлари орқали кузатиш учун махсус программалар тайёрланмоқда. Шубҳа йўқки, бу программалар асосида кузатишлар «осмон ваҳимачиси» — думли юлдузни бизга яқинроқ таништиради, унга тегишли жумбоқларни ҳал этишда катта ёрдам беради.

М. МАМАДАЗИМОВ,
физика-математика фанлари кандидати.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТАШКИЛОТЛАР, КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЯНГИ ЙИЛ АРЧАСИНИ УТКАЗИШДА ВА КАРНАВАЛ УЮШТИРИШДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА

АМАЛ ҚИЛИНГ

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИНИ САҚЛАШ МАКТАБ, БОЛАЛАР БОҒЧАСИ, КЛУБ ВА МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИ РАҲБАРЛАРИГА ТОПШИРИЛАДИ

Коллектив арчаларини фақат камида иккита чиқиш жойи бўлган биринчи ёки иккинчи қаватда, залнинг ўртасида мустаҳкам ўрнатиш лозим. Арча фақат 24 вольтдан кўп бўлмаган электр билан ёритилган бўлиши керак. Иллюминация учун ҳар хил рангли лампочкалардан фойдаланиш мумкин, лекин улар фақат заводда тайёрланган бўлиши керак.

Арчани ёндирмайдиган составда ишланмаган целлюлоид ўйинчоқлар, пахталар билан ясатиш

МУМКИН ЭМАС

Тантана бошланишидан олдин ёритиш ва дастлабки ўт ўчириш воситаларини текшириш шарт. Ўт ўчириш командаси ёки кўнгилли ўт ўчириш дружиналарининг телефон номерларини билиб олиш лозим. Эшикка олиб борадиган йўллар бўш ва эшик енгил очилиши керак.

Янги йил ва карнавални ўтказишда бенгал ўтлари ва қарсилдоқлардан фойдаланиш мумкин эмас. Карнавал қатнашчиларининг костюмларини ёндирмайдиган составга шимдиришлари

ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИ

Карнавал костюмлари ва пахтани ёндирмайдиган составда шимдириш учун инструкциялар билан химикатларни кўнгилли ўт ўчириш жамиятидан олиш мумкин. Ёндирмайдиган состав билан шимдирилган костюм ва пахта ўзининг кўринишини йўқотмайди ва ёнмайди. Костюмларни крахмаллаш ва дазмоллаш мумкин.

Хоналарда арчаларни ўрнатишда ҳам ёнғин хавфсизлиги қоидаларини эсдан чиқармаслик керак.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА КЎНГИЛЛИ ЎТ ЎЧИРИШ ЖАМИЯТИ.

ПУЛЛАРИНГИЗНИ ОМОНАТ КАССАЛАРИДА САҚЛАНГ!

ҚУЛАЙ, МАНФААТЛИ ВА ИШОНЧЛИ!

Омонат кассаларига пул қўйиш — жамғармаларни сақлашнинг энг қулай ва ишончли усулидир. Ҳар бир меҳнаткаш омонат кассалари хизматидан фойдаланиб, ўз шахсий бюджетини энг тўғри ва рационал равишда қуриши, қимматбаҳо буюмлар сотиб олиш ва бошқа мақсадлар учун зарур маблағни жамғариши мумкин.

Омонат кассасига пул қўйиш учун кассага шахсан келиш шарт эмас. Омонат кассасига пул қўймоқчи бўлган киши ўзи ишлаб турган корхона, муассаса, совхоз ёки колхоз бухгалтериясига ҳар ойи ўзига тегишли иш ҳақининг ёки бошқа пул даромадларининг маълум суммасини омонат кассасидаги счётга ўтказиш тўғрисида ариза ёзиб топшириши мумкин.

Омонат кассасига қўйилган пулни пул топширилган омонат кассасидан ҳам, мазкур шаҳар ёки райондаги марказий омонат кассасидан ҳам олиш мумкин.

Омонат кассаларига қўйилган пуллар бўйича процент ёки ютуқлар шаклида даромад тўланади.

Совет давлати омонат кассаларига қўйилган омонат пулларининг сир тутилишини, сақланишини ва пул қўйилган кишининг биринчи талаби бўйича берилишини гарантиялайди.

ПУЛЛАРИНГИЗНИ ОМОНАТ КАССАЛАРИДА САҚЛАНГ!

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

30 ДЕКАБРЬ КЕЧ СОАТ 7 ДА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

ЕШЛАР «ГУЗАЛ» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти Гулшод ОТАБОЕВА.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: ҚИЗЛАРХОН ДЎСТМУҲАМЕДОВА.

БАҲРОМ МАВЛОНОВ.

VII Жаҳон ёшлар фестивалининг лауреати

РАВШАН АКБАРБЕКОВ.

Бутуниттифоқ ёшлар фестивалининг лауреати

ШУҲРАТ ЙЎЛДОШЕВ

Республика музика-ижрочилар конкурсининг лауреати

ТОҲИР СОБИРОВ,
ГУЛШАН ҲАСАНОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программада — жаҳон халқларининг қўшиқ ва рақслари.

Концертмейстер — Нодира ШЕРАЛИЕВА.

Бадиий раҳбари —Мирсодиқ ТОЖИЕВ.

Программани — Света Тоҳирова олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилмоқда.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА ТЕЗ КУНДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

А. ЦАГАРЕЛИ асари.
Г. КАНЧЕЛИ музикаси.
Таржимон — шоир ЖУМАНИЁЗ ЖАББОРОВ.

«ХОНУМА ХОНИМ»

(2 пардали комедия)

Пьесани Е. КОНСТАНТИНОВ ва Р. РАЦЕР инсценировка қилишган.

Саҳнага қўйювчи режиссёр Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист БАХТИЁР ИХТИЁРОВ.

Дирижёр — Э. ТОШМАТОВ.

Рассом — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Г. А. ВИЗЕЛЬ.

Режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза мукофоти лауреати Ҳ. УМАРОВ.

Балетмейстер — О. НАЗРУЛЛАЕВ.

Хормейстер — К. САЪДУЛЛАЕВ.

Концертмейстер — М. ФУРМАН.

Режиссёр ёрдамчиси — Р. МУҲИДДИНОВА.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Мелиорация сув хўжалиги министрлиги «ГОСНИИСРЕДАЗПРОМЗЕРНОПРОЕКТ»нинг ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИГА

қурилиш, электротехника, технология, сантехника ва смета бўлимларига группа раҳбарлари, катта инженерлар, инженерлар, техник-лойиҳачилар, машинисткалар

КЕРАК

МЕҲНАТ ҲАҚИ: инженер ва техник ходимлар штати бўйича, машинисткаларники — ишбай-мукофотли.

Турар жойга муҳтож бўлган мутахассисларга 2-3 йил ичида турар жой берилади.

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси 4-уй—Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

РАДИО ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ ПРОГРАММАЛАРИ ОБУНАЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1974 йил 1 январдан бошлаб

«ТОШКЕНТДАН ГАПИРАМИЗ» — «ТОШКЕНТДАН ГАПИРАМИЗ ВА КЎРСАТАМИЗ»;

«ГОВОРИТ ТАШКЕНТ» — «ГОВОРИТ И ПОКАЗЫВАЕТ ТАШКЕНТ»

ДЕБ ҚАЙТА НОМЛАНДИ

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

27 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30— МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Телефильм. 18.45 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Миллионлар ленинча университети (Москва). 20.00 — Ўн минут музика. 20.10 — Туямўйин гидроузели — зарбдор қурилиш. 20.40 — «Ахборот». 21.00 — **Дўстлик экрани.** 22.00 — «Вақт». 22.30 — Тошкент талантлари (фильм-концерт). 23.05 — Султон Жўранинг адабий портрети. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.30 — МОСКВА. 18.50 — Спорт кўрсатуви. 19.30 — **Мардлик-мангулик** (Тошкент). 20.00 — Концерт. 20.25 — Телеспектакль. 22.00 — ТОШКЕНТ. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Ўқув кўрсатуви. 19.45— Фильм-концерт. 21.15 — Камолот сари (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27/XII да **Кармен-сюита; Ойимқиз ва безори,** 28/XII да **Кармен,** 29/XII да **Чио-чио-сан.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 27/XII да **Табассум ўғрилари,** 28/XII да **Олтин девор,** 29/XII да **Шоҳ Эдип.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/XII да **Ажаб савдолар,** 28/XII да **Ҳалима,** 29/XII да **Ўжарлар.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— «ЕШ ҚАЛБЛАР» коллективининг гастроллари.

КИНО

Ҳаводаги саргузаштлар (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Қора қирол муаммоси — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Ринг «ВОСТОК», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Муҳаббат алангаси (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», С. РАҲИМОВ номли, Ғ. ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).

Садоқат (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Синган тақа — «ЧАЙКА», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Мен — Шаповалов «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун)

Угай она — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Рам ва Шам (2 серия, ўзбек тилида) — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Жавоҳир маликасига ҳужум — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР
Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Р. 04495. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. 303.